# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

7 сон
14 — 20 феврал, 2008 йил




# ФАЙЗЛИ ХОНАДОН ОТАСИ

Инсон бахтли бўлиши учун аввало ўзига муносиб касб-кор ва ройишли умр йўлдоши танлаши керак. Ана шундагина ҳар томонлама омади келади. Ўтган умридан кўнгли тўлади. Ўткир ака Акбаров "Матбуот тарқатувчи" Акциядорлик Компаниясида кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келади.

- Меҳнат фаолиятимни жуда эрта бошладим. Бир пайтлар ўзим Абдулла ака деган кишига шогирд бўлиб келган бўлсам, кейинчалик ўзим ҳам устозга айландим. Ҳозир бирга ишлаётган шогирдларимдан тўрт нафари ҳам устоз даражасига етишган, - дейди Ўткир ака. - Ушбу корхонада ишлаётганимга ҳам 48 йилдан ошди. Мен ишни республикамиз бўйича тарқатиладиган газета ва журналларни саралашдан бошлаганман. Иш анча оғир, корхонага тонг саҳардан етиб келиш лозим бўларди.

- Бу лавозимни яхши ўзлаштириб олганим учун, узоқ йиллар шу соҳада меҳнат қилдим. Юртимиздаги кўплаб хонадонларга газета-журналларнинг ўз вақтида етиб боришига ҳиссамни қўшдим. Касбим орқали обрў-эътибор топдим, рўзғоримни тебратдим. Менимча ҳар бир инсон ўзига, оиласига ҳалол ризқу насиба берадиган касбини севиши, уни сидқидилдан бажариши керак.

Ўткир ака рафиқаси Сайёра опа билан кўп йиллардан буён аҳил ва тотув яшашади.

Ўткир аканинг шинамгина хонадонида беш нафар ўғил-қизлар туғилишди. Шаҳзода, Шаҳнозалар эса ўзга уйнинг бекалари бўлиб кетишган. Уч ўғли - Азамат, Воҳиджон, Зоҳиджон ҳам оталари каби эл хизматида. Зоҳиджон ҳозир Москва шаҳрида. У спортнинг у-шу ва каратэ турларидан




тренерлик қилади. Шунингдек, тадбиркорлик билан ҳам шуғулланади. Ўзининг жиддий ниятлари бор.

Меҳнат қилиш, ҳалол меҳнат боис эҳтиромга сазовор бўлишнинг ўзи ҳам инсон учун катта бахтдир. Ўткир ака ҳаёти давомида нимаики истаган, орзу қилган бўлса бугунги кунда ҳаммасига эришди. Ўтган умрини ёшларга ибратли қилса арзийди. Бугунги кунда у кишининг кўплаб шогирдлари бор. Улар ҳам устозларидек ҳалол, фидойи инсонларга айланишган. Устозларини эъзозлашади. Ўгитларига қулоқ тутишади. Ўткир ака тўғри сўз, ҳалол, ҳақиқатни тик айта оладиган инсон. Шогирдлари эса ундаги бу фазилатларни қадрлашади. У кишидан ибрат олиб яшашга интилишади.

Бир ташкилот, муассаса ёки корхонада меҳнат фаолиятини бошлаб , шу ердан пенсияга чиқиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Кимгаки бу насиб этаркан у жуда бахтли инсон ҳисобланади. Ўткир ака эса ана шундай инсонлардан. У киши нафақат ишда, балки оиласида ҳам тинчини, бахтини топган. Турмуш ўртоғи Сайёрахон ая билан қарийб 44 йилдан буён бирга умргузаронлик қилишади. Фарзандлари тақдиридан хотиржам. Чунки улар талабчан ва жиддий оталарининг тарбиясини олишган.

"Ўригидан данаги ширин", деганларидек, ўн икки нафар набиралари буважонларининг бир қувончига ўн қувонч қўшишади. Бири бўйнига, бири елкасига осилишади. Ҳа, инсон учун бундан-да, ортиқ бахт йўқ. Биз Ўткир ака билан унинг газета-журналларга тўла хонасида суҳбатлашиб ўтирарканмиз, телефон тинмай жирингларди. Ўткир ака эса жиддийлик билан гўшакдан кимгадир насиҳат қилар, кимгадир йўл-йўриқни тушунтирар ёки маслаҳат берарди. Навбатдаги қўнғироқдан сўнг гўшакни оларкан чеҳрасига табассум ёйилди.

- Ҳа, онам? Умринг узоқ бўлсин. Бошим оғримади. Чарчаганим ҳам йўқ. Ўзинг қалайсан? Соғиниб қолдингми? Сенга нима олиб борай? Қўғирчоқми ёки конфетми? - деб сўради гўшакни қўяркан:

- Бу набирам Мадинабону! Ишдан уйга боргунимча бир неча марта қўнғироқ қилади. Аҳволимни сўрайди. Бўлмаса ўзи ҳали жуда кичкина. Меҳрибонлигини қаранг! Ҳаёт шулар билан қизиқарли, мазмунли-да. Ана шу ширинтойлар учун ҳам яшагинг, узоқ яшагинг келади-да. Бобо бўлишнинг, набираларнинг ширин ташвишлари билан яшашнинг ҳам гашти ўзгача бўлар экан, - деди мамнуният билан.

Айтгандек, Ўткир аканинг хонадонида яна бир байрам. У киши яқинда муборак 70 ёшни, дўсту ёрлари, қуда-андаларию фарзандлари даврасида нишонладилар. Айни пайтда ҳам "Матбуот тарқатувчи" Акционерлик Компаниясининг катта чакана савдо бўлимида меҳнат қилаётган Ўткир ака Акбаровга Яратгандан сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бардамлик ва юз ёш билан ҳам юзлашиш бахтини тиладик.

**ГУЛБАШАКАР**

# КАСБГА САДОҚАТ



35 йил бурун оддий кузатувчи — проводник сифатида Тошкент Темир йўл вокзалига ишга қабул қилинган Ҳусанбой Ражабов ҳамон ана шу касбни ардоқлаб келмоқда. Ўтган йиллар давомида у бир қарашда оддий кўринган бу касбнинг моҳир устасига айланди. Ўнлаб шогирдларнинг устози даражасига эришди. Бугунги кунда Ҳусанбой Ражабов "Тошкент-Бухоро" поездининг бошлиғи.

- Манзилига шошилаётган юртдошларимизнинг узоғини яқин қилиш эзгу ниятимиздир, - дейди у. - Йўлдош Эшматов, Қудрат Ахмедов, Раҳматжон Зуҳуров, Шоёзбек Исмоилов, Олим Хўжаев, Усмон Юсупов каби касбдошларим ширин сўзлари, намунали хизматлари билан эл ҳурмати, олқишига сазовор бўлмоқдалар.



Сувратчи: **М. МИРСОДИҚОВ**



Тошкент шаҳар, Шайҳонтоҳур туманидаги 324-сон мактабнинг биология ўқитувчиси Камолахон Ўтаева ёш бўлишига қарамай талабчан, лекин ўз ўқувчиларининг кўнглига йўл топа олган, ўз билимини уларнинг юрагига сингдира оладиган меҳрибон ва иқтидорли устоздир. Дарс беришнинг янги усуллари устида изланаётган Камолахон "Йил ўқитувчиси" кўрик танловининг ғолибидир.

Сувратчи: **А. ҲАЙДАРОВ**



# ОТА ДУОСИНИ ОЛИБ...

Ўшанда ёш оиланинг Самарқанддан Наманган вилоятининг Косонсой туманига кўчиб бориши Ҳурматойга унчалик ёқмади. У ота-онаси, яқинлари ёнида ишлашни, яшашни истарди. Лекин турмуш ўртоғи Ибодулла Бобожоновга Косонсойда ишлаш учун йўлланма беришди.

- Жон қизим, -деди иккинчи жаҳон урушида жанг қилиб келиб ҳам бир умр далада илғор бригадир бўлган Жўраохун ота Қудратов, -эр қаерда бўлса, хотин ўша жойда бўлмоғи керак. Балки икковларингиз ўша жойда керакдирсизлар. Муборак ҳадисларда айтилган қизим: "Мўмин киши бир амали солиҳ қилса, қалбида нур пайдо бўлади", деб. Илоҳим, меҳнат қилиб, аҳил яшаб, икковингизнинг ҳам қалбингиз нурга тўлсин! Бораққол, қизим!

Шундай қилиб йўл юриб, йўл юрисша ҳам мўл юриб, Наманганнинг энг узоқ туманларидан бири-Косонсойга келишди. "Ҳавоси яхши экан, чор-атроф кирадир, сув, ўт-ўлан мўл!" деб бу жойларга меҳр қўйишди. Икковлари ҳам туманда янги ташкил этилган касб-ҳунар билим юртига (ҳозирги коллеж) ўқитувчи сифатида жуда керак эдилар. Иш бошлашди. Аста-секин дўстлар орттиришди, одамлардан меҳр кўришди. Қишлоқ жойларда яшаш қийинчилигига кўникиб ҳам кетишди.

Ҳурматой фаоллиги, ташаббускорлиги билан тез танилди ва тумандаги масъул ишларга таклиф этилди. «Билим» жамиятида, хотин-қизлар қўмитасида ишлади. Маданият соҳаси оқсай бошлаганида эса бу ишни Ҳурматой Қудратова яхши эплайди, деб туман ҳокимлигининг маданият бўлимига раҳбарликни унга топширишди. Вақт ўтиб, бу соҳага спорт ишлари ҳам қўшилди.

Кўп тармоқли, мураккаб бу соҳани бошқариш ва дадаси айтганидек, одамлар қалбига нур олиб кира билиш учун кенг юрак, яхши муомила, изланиш кераклигини Ҳурматой дилдан ҳис этди. Кутубхоналар, клублар, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларини ишларини йўлга қўйиб олиш учун ҳомийлар топди. "Хушнаво", "Шахноз" ансамбллари, қизиқчиларнинг "Ханда" гуруҳи ҳамда "Косонсой полвонлари" жамоаси фаолиятини кенг йўлга қўйди. Булар 2005 йили "Бойсун баҳори" ва Жиззахда бўлган "Халқ ўйинлари", бу йил Чирчиқда ўтказилган "Халқ ўйинлари" фестивалларида совринли ўринларни қўлга киритишди...

Халқ хашари билан Косонсойда стадион қурилди. Республикамиз истиқлолининг 16 йиллиги арафасида файласуф олим, Нақшбандий тариқатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган мутафаккир Махдуми Аъзам Косоний ёдгорлиги мажмуи қад ростлади. Музей ташкил этилди. Янги мусиқа мактаби қурилиб, ишга туширилди... Шу каби яна қатор маънавий-маърифий ишларнинг бажарилишида албатта Ҳурматойнинг озми-кўпми ҳиссаси, ташкилотчилик қобилияти бор.

Республика спортчи аёлларининг волейбол ўйини мусобақасида косонсойлик боғча опалар учинчи ўринни олишгани ҳам ҳарна қувончли бўлди. Республика қизиқчилар ҳамда "Алла" танловларида ҳам Косонсой ёшлари фаол иштирок этишди. Бу йил ёзда туманда "Ёшлар куни", "Дўстлик форуми" ўтказилди. Эҳ-ҳе, бу ишларнинг асосий ташкилотчиси, югуриб-елдиганни биринчи навбатда Ҳурматойдир. Барака топсин, дейишмоқда одамлар.

Ҳурматой оилада меҳрибон она, саранжон-саришта уй бекаси, дилбар рафиқа. Мана Косонсойга келишганига ҳам 20 йилдан ошибди. Қанча дўст орттиришди. Қанча эътибор, қанча ҳурмат топишди. Худди онасига ўхшаб ўқишда аълочи, қўли гул чевар, одобли қиз бўлган Хуршидабону лицей талабаси. Дадасига ўхшаган оғир-вазмин, ақлли йигит Ғайратжон Тошкентда ўқишни тамомлаб келиб, қўшни туманда ҳуқуқшунос бўлиб ишлаяпти. Худо хохласа Ҳурматой яхши келин тушириш орзусида.

Оила бошлиғи Ибодулла Бобожонов эса ҳамон ўша қадрдон ишхонасида ўқитувчи. У республика халқ маорифи аълочиси. Энг муҳими у Ҳурматойни тушунади, севади, уни қўллаб-қувватлайди, вақти келса ёрдам беради. Одамларга меҳр бериб, сидқидилдан ишлаб, қалб ёруғлигига сазовор бўлаётган Ҳурматой ва Ибодулла Бобожонов оиласига бахти бекамлик ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Санъат МАҲМУДОВА**

# ЯХШИ ҚИЗЛАРНИНГ САРВАРАСИ



Хонимжон Ражабованинг асли касби журналист. Меҳнат фаолиятини ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани газетаси таҳририятида бошлаган.

Айни пайтда туман ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси. Хонимжонни ўн йиллардан буён биламан. Қачон учрашсак, қандайдир яхши ташвишлар билан куйиб-пишиб юрган бўлади.

- Яқинда Амударёда истиқлолга бағишланган Форум ўтказдик. Ўзимча беш-олти йиллар аввал ўтказилган тадбирлар билан қиёсладим. Жуда фаоллашган. Қизларимизнинг қадамидан ўт чақнайди. Миллий либосларда майдонда кўринг уларни: бири кўзингизга Гулойим, бошқаси Тўмарис бўлиб кўринади. Шу ёруғ кунлар бизга насиб этганидан, рости, кўзимга қувонч ёшлари келди. Ҳокимимиз:

- Ҳаммаси чиройли ўтаяптию, нега йиғлайсиз? - дейдилар.

- Ўша чиройнинг йиғиси-да, - дедим.

Хонимжон катта давраларда ҳам, аёллар, ёшлар орасида ҳам шундай самимий. Қувончини ҳам, ташвишини ҳам яширмайди. Кези келганда суяйди, керак пайтида суянади. Унинг ҳам раҳбар, она, бека сифатида ўзига яраша ташвишлари бор. Эри Сафарбой ака билан учта талаба фарзандларини баравар ўқитишяпти. Кенжатой эгизаклар ҳам мактабни тугатиб, талабаликка шайланиб туришибди. Туман хотин-қизларининг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Аммо Хонимжоннинг бирон марта нолигани, шикоят қилганини эшитмаганман:

- Яхши қизларим (у фаол аёлларни шундай атайди) кўп. Бири - Гулбаҳор, бири - Дармонжон, яна бири - Гулчеҳра, санасангиз саноқдан адашасиз... - дейди Хонимжон. Бошқалардан фазилат излаган, гўзалликни топган инсоннинг қалби тоза бўлади. Хонимжоннинг Амударёни, Манғитни, элдошларини севиши, уларнинг кичкина ютуғидан ҳам боши кўкка етиб юриши шу покиза қалбидан бўлса керак.

Умр йўлларининг бекатлари кўп. Бу бекатларда, одам боласини армон кузатади, орзу чорлайди, мақсад етаклаб юради. Хонимжон Ражабованинг барча армон-орзулари, мақсадлари ёруғликка туташ. Мен Жайҳун тарафларда баҳор қалдирғочлари келса қорачиғлари оташланадиган, шеъриятга, адабиётга ихлосли, Туронзамин аёлларининг яхши сифатларини ўзида асраб келаётган шундай синглим борлигидан қувонаман. Бу камтаргина битиклар ҳам ўша қувончнинг бир суврати, холос.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**

# ҲУРМАТГА САЗОВОР ОНАХОН

Булоқбоши маҳалла фуқаролар йиғинининг Тўрасув маҳалласида истиқомат қилаётган Ҳалимахон ҳожи она Юсупова 87 баҳорни қаршилаган бўлишига қарамай, ёшлардек серғайрат, ҳаракатчан. Ҳалимахон ҳожи она турмуш ўртоғи Абдусаттор ака билан 9 нафар фарзандини, 6 ўғил, 3 қизни тарбиялаб вояга етказди, эл-юртга қўшди. Улар орасида олим шифокорлар, муҳандислар, ўқитувчи, ҳисобчилар бор. Келинлари Мавлудахон, Муножотхон, Шаҳзодахон, Гулчеҳрахон, Шоҳидахон, Сайёрахонлар онахонни жону дили, у келинларини "қизларим" деб эркалатади, билмаганларини эринмай ўргатади. Келинларини 4 нафари шифокор, қолганлари ўқитувчи тарбиячи.

Ҳозирги кунда онахон 50 нафар неварани, 28 чеварани севимли бувижониси.

Ҳалимахон ҳожи она Шаҳрихонда туғилиб ўсган. 20 ёшида Булоқбошига келин бўлиб тушган. У хўжаликда оддий колхозчи, илғор пиллакор бўлиб ишлади. Мана 31 йилдирки, онахон қариллик гаштини сураяпти.

- Ҳар куни Мустақиллигимизга, фаровон давримизга шукроналик келтираман. 2008 йил Президентимиз томонидан "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди, ёшлар ўртасида турли тадбирлар ўтказишга бош-қош бўлишимиз керак. Шунинг учун тез-тез ёшлар билан учрашиб, суҳбатлашиб, маҳалламиз ёшлари ўтказган тадбирларда қатнашиб, ўгит-насиҳатлар қилиб тураман, - дейди биз билан суҳбатда Ҳалимахон ҳожи она.

**Р. ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Андижон вилояти.**

# ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Ўғилой Рўзиева Оҳангарон туманидаги 42-ўрта таълим мактабини тугатгач, педагогика билим юртида ўқиди. Ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Олган билимларини бойитиш, мустаҳкамлаш мақсадида ишдан ажралмаган ҳолда Педагогика институтининг сиртқи бўлимига ҳужжат топширди.

Яхши оилага келин бўлиб тушди. Турмуш ўртоғи Раҳимжон жуда меҳрибон, оқ кўнгил, маънавий етук инсон эдилар. Улар яхши ҳаёт кечиришди. Тўрт ўғил, бир қизни вояга етказдилар. Ҳеч бир инсон пешонасига ёзилган қисмат битигидан қочиб қутула олмас экан. Кутилмаганда умр йўлдошидан ажралиб қолган Ўғилой опа энди икки киши учун меҳнат қила бошлади. Фарзандларига ҳам она, ҳам ота ўрнида тарбия берди. Йиллар ўтиб мактабда энг жонкуяр устозлар сафидан жой олди. Ўғилой опанинг қилган меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди, "Халқ маорифи аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳозирда Ўғилой опа 67 баҳорни қаршиладилар. Шириндан -шакар набиралари даврасида кексалик гаштини сураяптилар. Юртимизда шундай фидойи инсонлар кўп бўлса, эзгулик дилларимизни тарк этмайди, деб умид қиламан.

**Замира МАНСУРОВА**
**меҳнат фахрийси,**
**Оҳангарон тумани.**

*Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»*

# ТАБАРРУК НЕЪМАТ



- Ая-ей, мунча ҳаялладингиз, меҳмонлар келганига ярим соат бўлди,- дея кичкина ўғлим саросимада кутиб олади.

- Яхши-яхши, мана, келаяпман-ку, чой-пой қилдингми?

- Чой, мева-чева қўйдим. Лекин, нон йўқ.

- Йўқ?..

- Уйдаги нон қора-ку. Қўйсам, "булар қора нон ер экан" дейди-да...

Жаҳлим чиқса-да, ҳазилга олиб, койийман:

- Эй, дейди-да-дейди-да, нон бўлгандан сўнг жейди-да.

Меҳмонлар олдига нонни олиб кирарканман, уларга тўғрисини айтдим:

- Ўзича қора нон қўйгани уялганмиш.

Ҳамма нарсанинг, ҳар бир ҳодисанинг икки томони бор. Гурунг ҳам ўз-ўзидан нон ҳақида бўлиб кетди...

## 1. БИР ХУРЖУН НОН

- Ҳа-а, - дейди Ойбарчин аммам ҳорғин сўлиш олиб. - Юрибсанлар-да, ҳамманг, йиқилсанг нонга суриниб.

Бурунги замонда бир бой билан бир камбағал узоқ сафарга чиқибди. Бойнинг хуржуни олтин, олмос, забаржадларга тўла экан. Камбағалнинг хуржунида қотган-қутган нонлар. У ботинмайгина сўрабди:

- Нон олмадингизми?

- Эй, нодон-а, нонни нима қиламан? Хуржуним тўла тиллолар-ку. Бу қотган-қутган нонларинг олтинимнинг бир заррасига тенг келмайди-ку.

Икковлон йўлда кетаверишибди, кетаверишибди. Бой камбағални менсимай, ҳар қадамда, ҳар гапида камситиб бораверибди. Катта саҳро-тўқайзордан ўтаётганда бойнинг қорни очибди. Камбағал хуржунидан нон олиб, сувга ботириб ея бошлабди.

Уят ўлимдан оғир. Аввалига камбағалнинг нонидан сўрашга ор қилибди. Бир олтинлар тўла хуржунга, бир камбағалнинг нонига қарабди. Доим тўқ юриб, очликка ўрганмаган одам эмасми, бойнинг силласи қурий бошлабди. Бахтга қарши бу атрофда на бирор егулик, на бир уй кўринмасмиш. Камбағал бойнинг бу ҳолатини фаҳмлаб турса-да, атайин ўзини сезмаганга, билмаганга олибди.

Бойнинг тинка-мадори қурий бошлабди. Чидай олмабди. Хуржунидан товланиб турган бир зумрад тошни олибди:

- Кел, мана шунга бир бурда нон бер...

То манзилга етиб келгунча қотган нонларга олтинларини алмаштириб еб келаверибди. Бир вақт қараса, бойнинг хуржунидаги бари олтин-кумушлар камбағалнинг хуржунида эмиш.

Бурунгилар бекорга айтишмаган-да: ***"Олтин-кумуш тош бўлар, Арпа-буғдой ош бўлар"***, - деб...

## 2. НОН ВА ЎРДА ИЛОНИ

- Ўрда илонини биласизларми? - дея Гулжавҳар хола тиззасида чириллаб айланаётган урчуғини тўхтатди. Бизнинг Ғаллаоролдаги Хонимкўрғонда авваллари кўп бўлар экан. Ўрда илонлари 12 та бўлиб юраркан. Ўзлари биринчи бўлиб зиён етказмаскан-у, сабабсиз теginган одамни қўймас экан. Раҳматлик мулла Маматқул бобом айтарди, бир амакилари анча қорувли экан, феълиям ўзидай гуппироқ экан. Эшонқулбойнинг эшигида чўпонлик қиларкан. Кўкламда сурувни ҳайдаб, Регар тарафларга ўтиб кетаркан. У пайтлар алюмин зовути йўқ, яйловларда ўтлар тизза бўйи керакан. Ўша доғули, чўпон йигит қасдма-қасдига ўрда илоннинг ўн биттасини ўлдирибди:

- Ана, ўн бирининг ҳам калласини мажақлаб ташладим.

- Ўн иккинчиси-чи, ўн иккинчиси? - дейишибди биладиганлар. Ўрда илонлари ёмон бўлади-я. Ўн иккитасидан биттаси тирик қолгандаям қўймайди.

- Ўн иккинчиси ўзи йўқ экан. Аввал ўлиб-пўлиб кетганми? Э, нима қиларди, эрта сурувни ҳайдаб Хонимкўрғонга қайтамиз-ку!

Шуйтиб гуриллаб-гупиллаб юриб, тирамоҳ кириб, қўйларни ҳайдаб қишлоққа қайтибди. Сурув Жайхун дойра (Амударё)дан ўтаётганда ўша ўлмай қолган ўн иккинчи ўрда илони ҳам сувдан бир эчкининг шохига ўралиб ўтиб келибди ва ўша чўпоннинг этигининг ичига яшириниб олибди. Сурув бошлиғи, катта чўпон жуда заkий одам экан, нима бўларкин, дея бу ҳолатларнинг ҳаммасини кузатиб турибди.

Эрталаб йигитга айтибди:

- Ўрда илон келиб, этигингнинг ичига яшириниб олди, мен ўз кўзим билан кўриб турдим.

Чўпон йигит ўз ишидан пушаймон бўлибди. Жайхундан наридан ҳам излаб топиб келган илон энди мени тирик қўймайди, дебди-да, сурув бошлиғига ялинибди:

- Энди нима қиламан?

- Энди,- дебди кекса чўпон. - Битта иссиқ бутун нонни оласан-да, бошингга қўясан. Устига кетмонни қўясан. Нимагаки, ўрда илони одамнинг бошига ҳамла қилади. Одати шунақа.

- Кетмонни қандай қўяман?

- Даста-сопини эмас, юзасини-темирини қўясан, кейин устидан белбоғинг билан танғиб қўямиз.

Чўпон йигит шундай қилибди.

- Энди болтани ол-да, этикни чопиб ташла!

Йигит ўткир болтани олиб, бор кучи билан этикни чопибди.

Шу пайт думи кесилган илон зарб билан учиб, йигитнинг бошига тушибди-да, жон-жаҳди билан найзасини санчибди. Илон ҳалиям тириклигини билган йигит қўрққанидан йиқилибди. Кекса чўпон қараса, илоннинг заҳарли найзаси бояги кетмонни тешиб ўтиб кетибди-ю, нонга бошини тикқанча ўлиб ётган эмиш.

Қаранг-а, ноннинг азизлигини, бўлмаса кетмон темир эди-ку. Темирни тешолган заҳарли найза нонни тешолмади. Буғдой беҳиштдан чиққан гиёҳ-да, оқдир, қорадир, нон табаррук, нондан айланай...

Бу - бир-биридан қизиқ, таъсирли ҳикоятларни эшитиб, бир уй одам беихтиёр пичирлаймиз: "Нондан айланай!"

**Саъдина БОБОМУРОДОВА,**
***Жиззах шаҳри.***

# ОТА-ОНА РОЗИМИ?

Ҳар бир инсон ўз ҳаётини фарзандсиз тасаввур этолмайди. Қувонч-у ташвиш ҳам, бахт-у бахтсизлик ҳам фарзанддан. Қобил фарзанд - берди худо, ноқобил фарзанд - урди худо. Ота-она эрта-ю кеч яратгандан қобил фарзанд бер, деб тилашлигининг боиси шундан. Умар Ҳайём қобил фарзандни "вужудим томи-ю, тўртта устуни" деган бўлса, Абдураҳмон Жомий ноқобил фарзандни инсофга чақириб: "Онангдан бош товлама, ошмасин дарди", деган.

Биз Эшматнинг фарзанди қобил, Тошматнинг фарзанди ноқобил, деб бировларнинг ҳаётидан мисол келтирмоқчи эмасмиз. Бугунги ҳаётимизда унисига ҳам, бунисига ҳам мисоллар кўп. Деярли барча оммавий ахборот воситаларида улар ҳақида ёзилаяпти, гапирилаяпти, мунозарали суҳбатлар уюштирилаяпти. Биз бировни ибрат қилиб кўрсатиб, бировдан нафратланиб ҳиссиётга берилмоқчи ёки ҳаётдаги ижобий ва салбий ҳолатларни қиёслаб ҳакамлик қилмоқчи ҳам эмасмиз. Бу борада фикрлашдан кўзланган асосий мақсад шуки, қобилликни ва ноқобилликни келтириб чиқарадиган омиллар устида ҳамда маънавиятимиз доноларининг фарзандлар ҳақидаги ўгитлари атрофида фикр-мулоҳаза юритиш.



Фарзанд ҳақида сўз

Албатта, фарзанднинг қобил ёки ноқобиллиги, аввало, унинг тарбиясига, оиладаги ва атрофдаги муҳитга, ота-онанинг яхши ёки ёмон ибратига, бошқаларнинг қай даражада таъсир кўрсатишларига боғлиқ. Сўзсиз, бунда фарзанднинг камолотига насл-насаб, ақл-идрок, тафаккур, тушунча, онг катта таъсир кўрсатади. Булар, айниқса, ўзликни, диний эътиқодни, миллий ва маънавий қадриятларни, дунё ва ҳаётни, тўғрилик ва эгриликни диёнат ва диёнатсизликни, ҳалоллик ва ҳаромни, эзгулик ва жаҳолатни англашда катта аҳамиятга эга. Англаш ва идрок этиш жараёнидаги кураш аёвсиз. Унда ғолиб чиқиш қобиллик сари етаклайди. Мағлуб бўлиш ноқобиллик гирдобига тортади.

Кўпинча, ҳаётда ўғил фарзандни отага, қиз фарзандни онага қиёслашади. Албатта, бунда кўп ҳолларда ўхшашлик бор. Нафақат ташқи қиёфада, балки хулқ-атворда ҳамда қобил инсон даражасига етишишда ота-онага ўхшаганлар оз эмас. Бироқ, яхши ота-онадан туғилган фарзандлар ўз ноқобилликлари билан иснод келтираётган ҳолатлар ҳам бор.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ота-она фарзанд ташвиши билан яшайди. Ноқобил фарзанд ота ёки она ташвишини оғир дардга айлантиради. Бундай пайтда қандай йўл тутиш керак? Абулқосим Фирдавсий шундай дейди:

***Агар ерга урса ота***
***номини,***
***Кеч ундай ўғилдан, дема***
***номини.***

Носир Хисрав эса ноқобил фарзандни инсофга чақириб дейди:

***Ёшлик, телбаликни чиқар***
***бошингдан,***
***Онанг хизматида бўлғил***
***ёшингдан.***

Ноқобиллик фақат ота-онага муносабатда эмас, балки бошқа ҳолатларда ҳам намоён бўлади. Айтайлик, ака-ука, опа-сингил ва қариндош-уруғларга меҳрсизликда, қўни-қўшни ва таниш-билишларга оқибатсизликда, дўстга хиёнатда, ўзгаларнинг дарди аламларини ҳис этмасликда, Ватан, эътиқод, миллат, миллий қадрият, маънавият деган тушунчаларни англамасликда ва бошқа ҳолатларда.

Умуман, ноқобиллик дардига йўлиққан инсон учун муқаддас бўлган ҳеч нарса йўқ. Аввало, унга фарзанд учун ота-она муқаддаслигини эслатсангиз энсаси қотади. Шундай бўлса ҳам ноқобил фарзандларга мана бу ҳадислардаги ҳикматларни эслатиб қўймоқчимиз. Яъни: **"Отага итоат қилиш - Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир"**. Ёки: **"Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин"**.

Фарзанднинг хор бўлмаслиги ота-онанинг розилигига боғлиқ экан, аввало, қобилликда ота-онанинг шахсий ибрати зарур. Акс ҳолда мунофиқлик ота-онанинг ўзини ҳам хорликка гирифтор қилади. Демак, ҳаётда ўзимиз ижобий жиҳатдан ибрат кўрсата олсаккина фарзандларимиздан қобилликни талаб қилишга ҳақлимиз. Шундагина ноқобил фарзандни эгри йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиш мумкин бўлади.

Бунда отага қараганда онанинг тарбиявий таъсир кучи катта. Умуман, фарзанд билан тиллашишда онанинг маҳоратига тенглашадиган ҳеч қандай куч йўқ. Онанинг қалби ва меҳри олдида ҳар қандай исёнкорлик, қайсарлик ёки жиззакилик бироз бўлса-да, сўнади. Фарзандда онанинг панд-насиҳатини қулоққа олишга мойиллик пайдо бўлади. Абулқосим Фирдавсий айтганидек:

***Она насиҳатин***
***қуйволсин қулоқ,***
***Дунёда ёмонлик истама***
***мутлоқ.***
***Бағрида ўстирмиш***
***жонидан азиз,***
***Жонингдек азиз тут***
***кечаю кундуз.***

Демак, отага итоат қилган ва онанинг насиҳатини қулоққа қуйволган фарзанд ноқобиллик йўлига кирмайди. Фарзанднинг қобиллиги ота-онанинг бахтигина бўлиб қолмай, айни пайтда жамиятнинг фахри эканлигини ҳам унутмаслик керак. Шунингдек, қобиллик фарзанднинг ўзига, унинг келажагига яхши. Бу борада ҳадисда шундай дейилган: **"Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиради"**. Демак, ота-онани рози қилишда ҳикмат кўп.

Орамизда шундай ажойиб инсонлар - ўз ота-оналарининг муносиб фарзандлари борки, уларга ҳар жиҳатдан ҳавас қилмай иложингиз йўқ. Бироқ, айримларининг фарзандлари ноқобиллигидан ачинасиз. Одатда, бундай фарзандлар ўзларининг обрўли ва эътиборли ота-оналари соясида бу нуқсонни сезишмайди ёки унга парво қилишмайди. Уларга Саъдий Шерозийнинг қуйидаги ҳикматомуз сўзлари билан мурожаат қилмоқчимиз:

***Тушундим, падаринг***
***экан кўп фозил,***
***Отанг камолидан сенга***
***не ҳосил?***

Аллоҳ ҳар кимнинг ўзига инсоф ва диёнат берсин, ҳар кимга қобил фарзанд ато этсин. Ҳар бир фарзанд ўзига-ўзи шундай савол берсин: "Ота-онам мендан розими?" - деб.

**Иброҳим НОРМАТОВ.**

# МЕҲРИБОН БЎЛГАНИНГИЗДА ЭДИ...

- Тошкент вилоятидан келдим. Исмим Насиба. Дардим дунёга сиғмайди. Ёшлигимдаги бахтсизлигим етмаганидек, кексайганимда ундан баттар ғурбатга қолдим. Ҳар бир инсон борки ўғил-қизининг роҳатини кўрсин экан...- гап бошлади "уҳ" тортиб кексагина аёл.

**- Фарзандларингиз ноқобил чиқишдими?**

- Нима десам экан? Келинг, бироз вақтингизни олсам ҳам гапириб берай. Мактабни битирган пайтимда ота-онам розилигимни ҳам сўраб ўтирмасдан мени Тошкент шаҳрида яшайдиган бир оилага узатишди. Турмуш ўртоғимнинг уйида саккиз нафар ўғил бор эди. Мен шуларнинг каттасига келин бўлдим. Қайнонам анчагина заҳар аёл эди. Ҳар куни қилган ишимдан қийиқ топиб, заҳрини сочарди.

**- Юмушларга унча уқувингиз йўқмиди?**

- Ўзингиз ўйланг. Уйда қайнотам билан бирга тўққизта эркак ва эртадан-кечгача ортимдан юриб, қилган ишимдан камчилик излайдиган қайнонамнинг кирини ювардим, дазмоллардим. Нима қилай, қишлоқдан келганман. "Қишлоқи" - деб устимдан кулишарди. Охир-оқибат бу ғурбатга чидай олмадим. Уйга қайтиб бордим. Бу пайтда қорнимда уч ойлик ҳомилам борлигини билмаган эканман.

**- Бўлажак фарзандингиз ҳам сизларни яраштира олмадими?**

- Йўқ, ярашиш учун уйдан кетмагандим. У ердаги хўрланишлар, камситилишлардан тўйиб кетгандим. Боламни отамнинг уйида туғдим. Отамгина менга яхши гапирар, ачинарди. Чунки мени ўзи зўрлаб узатгани учун виждони қийналарди. Бироқ бу ерда ҳам ҳаётим қанд билан новвот бўлмади.

**- Нега ундай деяпсиз?**

- Акам жуда ориятли эди. У менинг қайтиб келишимни сира ҳам истамасди. Шу боис болам бир ёшга тўлиши билан ёши анчагина катта бўлган бир кишига узатиб юборди. Мени қон қақшатиб, боламни олиб қолишди. Бу эрим кўчанинг одами эди. Ичиб келарди, овқатланиб, ётган жойида ухлайверарди. Уй-рўзғор билан иши йўқ эди. Ўзим сигир соғиб, сотиб шунинг пули билан тирикчилигимни ўтказардим. Далада экин экардим. Бу кишидан ҳам тўрт фарзандли бўлдим. Кун бўйи далада бўлардим, кечқурун келиб уй-рўзғор иши билан куймаланардим. Болаларимга қарашга, улар билан ўтириб бундоқ бир гаплашишга ҳам вақтим бўлмасди. Оқибатда эса...

**- Кейин нима бўлди?**

- Мана, орадан йиллар ўтиб, фарзандларим ҳам бирин-кетин вояга етишди. Ўз кучим билан уйлантирдим. Баҳоли қудрат уй-жой қилиб бердим. Ота-онамда қолган ўғлим ҳам уйланди. Энди сал хотиржам дам оларман, деб ўйлагандим. Йўқ. Олдинда янада даҳшатлироқ ҳаёт кутиб турган экану, мен билмаган эканман.

**- Бу гапни айтишингизга бирор сабаб борми?**

Кейинги уч ўғлим менинг ажрашганимни, сўнг яна турмушга чиққанимни сира кечира олишмайди. : "Нима сабабдан эрга теккансиз? Ахир одамлар биттагина фарзанди билан ҳам умрини ўтказади-ку. Сиз бирор ёмон, акангизни маломатга қолдирадиган ишлар қилгандирсизки, сизни дарров эрга бериб юборишгандир? Нима бўлганда ҳам нотўғри йўл тутгансиз? Биз сиздан ор қиламиз...", - дейишади. Айниқса кичик ўғлим... унинг қураётган иморати ҳали битгани йўқ. Шу боис мен ва бир қизим билан бирга яшайди.

**- Қизингиз...**

- Ҳа, кичик қизим ажрашган. Шунинг учун катта ҳовлимни ўғлимга бермасдан шу қизимга қолдирмоқчиман, бу эса ўғлимга ёқмайди. Қизимни ҳар кўрганда сўкинади, мен билан ҳовлида тўқнаш келиб қолса башарамга туфлаб ўтиб кетади... Газимиз битта. Икки хонадон битта ошхонадан фойдаланамиз. Бир куни қизим дамлаб қўйган ошни қозон-позони билан ҳовлига отиб юборибди. Унга: "Нега бундай қилдинг? Ахир онангнинг ҳам насибасини кесдинг-а?",-десам: "Мен соқол олиш учун сув иситишим керак. Онам эса гўнг есин",-дея кўнглимни оғритди.

**- Ўз фарзандингиз нега сиз билан бундай совуқ муносабатда?**

- Сабаби, уларга вақтида меҳр бера олмаганим бўлса керак. На отасидан, на мендан меҳр кўришмади. Ўзлари уйда қолишиб, овқатини ўзлари қилиб ейишгани учун бемеҳр бўлишдимикан? Ёки улар отаси иккимизнинг ўзаро жанжалларимиз ва қўпол муносабатларимиздан аламзада бўлиб қолишдимикан?




**- Турмуш ўртоғингиз билан ҳар доим жанжал қилармидинглар?**

- Ур-сур қилмасак ҳам эримга: "Сен пиёнистани ўлгудек ёмон кўраман, сендан нафратланаман, ёмон кўраман. Қанча кўзимга кўринмасанг, шунча яхши", - деган гапларни кўп айтардим. Ҳеч қачон бошқа ота-оналарга ўхшаб дастурхон атрофида жам бўлиб ўтирмаганмиз. Болаларим эса: "Ўртоқларимизнинг ота-оналари яхши. Улар ҳеч қачон жанжал қилишмайди", - дея ўксинишарди. Мен эр-хотин иккимизнинг муносабатларимиз уларнинг тарбиясига қаттиқ таъсир қилишини билмаган эканман.

Мана энди, ўша одобсизликнинг жазосини тортаяпман. Ўғилларим уйларига боришиб, бир-бирларини йўқлаб туришади. Лекин ҳеч қачон мени эсга олишмайди. На байрам, на туғилган куним... Емай едирган, киймай кийдирган болаларим мени бир бор йўқлаб ҳам келишмайди. Лекин онамникига ташлаб келган на ота, на она меҳрини кўрмаган, ўксиб улғайган болам мени унутмайди.

**- Ўша болангизга кўпроқ ғамхўрлик қилгандирсиз?**

- Қани эди? Шунда ҳозир виждоним қийналмасмиди?..Ундай бўлмаган-да. Бечора, имкони бўлди дегунча ҳали гўшт, ҳали ёғ, ҳали кўйлак олиб югуриб келади. Кўнглимни кўтаради. Ваҳоланки кейинги болаларимни деб, уни вақтида бориб кўришга ҳам фурсат топмаганман. Бир бағримга ҳам босмаганман... Очиғини айтсам ҳозир уйга боришга ҳам юрагим зириллайди. Борсам ҳам ўғлимнинг юзини кўрмасдан тезроқ уйга кириб кетгим келади...Бироқ қачонгача бу аҳволда яшаймиз? Билмайман. Одамлар, маҳалла-кўйнинг олдида -ку, бош кўтара олмай қолганман. Мен нима қилсам экан? Наҳотки ёшим олтмишдан ўтганда болаларимнинг турткисига қолсам?

*Насиба опа! Чиндан ҳам ҳозир оғир аҳволда қолибсиз. Болаларингизнинг бемеҳр бўлиб ўсишига кўпроқ ишни баҳона қилибсиз. Лекин уларга озгина меҳр кўрсатмабсиз-да. Биласизми, ишлаган бир сиз эмас. Кўпчиликнинг онаси ишга борган. Ишлаган. Лекин уйга келгач турмуш ўртоғидан, болаларидан бир оғиз ширин сўзини, меҳрини аямаган. Отаси истамас экан, ақалли ўзингиз болаларингиз билан бир дастурхонда овқатланишингиз мумкин эди-ку. Бир болангизни мақтаб, яна бирини эркалаб қўйсангиз кифоя бўларди.*

*Болаларнинг ҳаммаси яхши гапирган кишига интиладилар. Бир пайтлар ўзингиз улардан дариғ тутган меҳрни эса энди болаларингиздан излаяпсиз... Лекин ҳозир ҳам болаларингиз ўша меҳрни худди сиздек қўмсашаётган бўлишса-чи? Эҳтимол фарзандларингизга яхши гапириб, уларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўларсиз? Шундай қилиб кўринг-чи? Балки...*

**ГУЛБАШАКАР**

# "ЭРКАККА МУМКИН... АЁЛГА-ЧИ?"

*Мактубингизни ўқиб...*

***Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят!***

Биз, эркагу аёл тенглик замонида яшаяпмиз. Эркак бажарган ишни аёл ҳам бажаради, айниқса ҳозирги замонда. Буни санаб ўтирмасак ҳам биласиз... Лекин менинг номард эрим шунча қилган хизматларимга қойиллатиб «раҳмат» айтди. Уни хиёнат устида ушлаб олдим! Алам қилар экан. Ўзини заррача гуноҳкор билмай, бемалол юрибди. Эркакка хиёнат қилиш мумкин эмиш! "Эркакка мурод, хотинга уят" эмиш!

Хотин бошим билан эркакдан ортиқ ишласаму, "юриш" қўлимдан келмайдими? Мен сенга кўрсатиб қўяман, юриш қанақалигини дедиму, ўйланиб қолдим. Тўғрисини айтай, ҳозирги кунда шундай аёллар борки, эркаклар уларнинг қўлига сув ҳам қуёлмайди. Шундай экан, нега энди "эркакка мумкин-у, аёлга мумкин эмас?"

Исмимни ёзмасам ҳам саволимга жавоб берарсиз, деган умиддаман...

* * *

Ростини айтганда, саволингиз аёл зоти учун янгилик эмас. "Эр бермоқ, жон бермоқ", деб бежиз айтишмаган. Айни кунда ер юзидаги кўпгина "илғор фикрли" аёллар барча ҳуқуқлар қатори, таъбир жоиз бўлса, "жинсий тенг ҳуқуқлиликка" ҳам аллақачон эришганлар. Бунга ғарб яратаётган хоҳлаган кинофильмлар мисолдир. Айни кунда айрим "дугоналаримиз" бу тенг ҳуқуқлиликни ошкора тарғиб ҳам қилмоқдалар. Яъни, "инсон эркиндир ва у никоҳ каби расмиятчиликкача кўнгли тусаган одами билан яшаб кўриши, ўзини никоҳга тайёрлаши, ўзига мос жинсий жуфтни топганидан кейингина оила қуриши лозим." Жуфтни танлашнинг бу тури инсоннинг азалий қадриятларида ахлоқсизлик, барча диний эътиқодларда "зино" деб аталади. Аммо улар учун бу "табиий ҳол" ҳисобланса ҳам биз яшаб турган жамият, шарқона руҳият айни кунда бундай тартиб-қоидаларни асло ҳазм қилолмайди. Чунки бизнинг жамиятимизда тўй, чимилдиқ тушунчаси ҳанузгача муқаддаслигини йўқотмаган.

Алломаларимиз айтишларича, инсоннинг махлуқотлар ичра олий махлуқотлигини англашга интилиши маърифатдур. Билиш маърифат, тушуниш маърифат, севиш, нафратланиш, ўзига ва оламларга боқиб ҳайратланиш, чумолидек кичик бир ҳашаротдан, асаларидек бир шифокордан ибратланиш маърифатдур ва ҳ. к.

Жаҳолат замонларида бир ҳукмдор аёл ўтган экан. У бир кун қўл остидаги барча фозил кишиларни йиғиб, шундай саволни ўртага ташлабди: "Нима учун эркаклар бир неча хотинга эгалару, аёллар битта эр билан яшашлари керак?"

Олимларнинг роса бошлари қотибди, лекин жўяли бир жавоб топишолмабди. Кенгаш бошлиғи эрта-индин юз берадиган қатлни ўйлаб қайғуга чўмибди. Унинг бир зийрак қизи бор эди. Отасининг аҳволига ҳайратланиб: "Маҳзунлигингиз сабабини билсам бўладими, отажон?"-деб сўрабди.

– Билганингдан нима фойда, қизалоғим?

– Сиз айтинг, биргалашиб чорасини топайлик, отажон.

Ота воқеани сўзлаб бергач, қизи ўйлаб-ўйлаб, шундай дебди:

– Отажон, масалани ҳал қилиш учун маликамиздан яна бир йил муҳлат сўранг. Кейин менга бир неча хил сабзавот–сабзи, пиёз, шолғом, картошка кабиларнинг уруғидан келтириб беринг.

Ота доно қизининг айтганларини қилибди. Қиз баҳор келиши билан бир ҳосилдор ердан икки бўлак ажратиб, бир бўлагига уруғларни аралаштирган ҳолда, иккинчи бўлагига ҳар уруғни алоҳида-алоҳида экибди. Уруғлар баравар униб чиққач, ҳар иккала майдончага бир хил парвариш берибди. Ҳосилни йиғиштиришдан олдин доно қиз маликадан дала бошига келишини илтимос қилибди.

Жамоанинг кўз ўнгида ҳосилни алоҳида-алоҳида йиғишгач айтибди:

– Мана бу аралаштириб экилган уруғларнинг ҳосили –нимжон ва пуч. Буниси ҳар бири алоҳида-алоҳида экилган уруғларнинг ҳосили– йирик-йирик ва чиройли. Аёл киши она эканлиги билан она ер кабидир. Ернинг ҳосили зироат бўлса, инсоннинг ҳосили фарзанддир. Буюк Яратгувчи инсонни ўз насл-насабини билиши, Яратгувчисини таниши ва унинг амрларига бўйсуниши билан ҳайвондан фарқли яратди. Қисқа қилиб айтганда, аёлга иккита эрнинг мумкин эмаслиги наслнинг поклигини асраш учундир.

Ҳукмдор аёл гап нимадалигини тушунибди ва доно қизни ўзига маслаҳатчи қилиб тайинлабди.

**Раъно РАҲМОНБЕРДИ қизи**

**“Тарбиянинг ўчоғи қайда?” - 41-сон, 2007 йил**

**ЭСЛАТМА: Ҳар бир ота-она фарзандининг яхши инсон бўлиб етишишини истайди. Тарбиянинг ўчоғи оилада, мактабда, маҳаллададир. Бироқ фарзанди тарбиясига бефарқ ота-оналар ҳам бор-да. Шундай экан, сиз-чи, азиз юртдош, фарзандингиз қандай тарбия топаяпти, ана шунга эътибор қилаяпсизми?**

**Муаллиф: Саломат Маматқулова**

Акс-садо

# ТАРБИЯ ЎЧОҒИ — ОНА ҚУЧОҒИ

Мактубни ўқиб, чуқур мулоҳаза, ҳаётий мушоҳада ва кенг оммани мунозарага чорлаган шоира опага ҳам ҳавасим келди, ҳам ҳурматим ортди. Ростдан ҳам тарбиянинг ўчоғи қаерда? Оиладами, мактабдами, маҳаллладами ёки инсоннинг ўзида, унинг қалбидами?

Чуқур ўйга толдим. Нима учун биз бола айб иш қилса, кўпроқ ўқитувчи ёки мактабни айблаймиз? “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган ибратомуз фикрни тўғриси, унутиб қўйганмиз. Ҳаттоки, бунинг янгича талқини - “Бир бола етти маҳалла кезар” шаклида ишлатса бўладиган тарзда оммалаштираяпмиз.

Касбим ўқитувчи. 25-30 нафар ўқувчидан иборат ҳар бир синфга 45 дақиқалик дарсда битта ўқитувчи ўз фанини илмий ва ҳаётий тарзда ўтсинми ёки ўша қоракўзларга фақат одоб дарси ўтсинми?! Баъзан ўйлаб қоламан, 4-5 боласини тарбия қилишни эплолмаган ота-она нима учун бир ўқитувчидан 25-30 бола тарбиясини талаб қилади? Ўқитувчи зоти 6 соатлик дарсида фақат битта мавзуни чайнайверса, бу дарс зерикарли бўлиб қолади-ку! Янги педагогик, технология дарс усулига кўра, ўқитувчи ўқувчини ўз фани юзасидан изланишга ундаши керак.

Шу ўринда боғча боласи билан уй боласининг тарбиясига ҳам бир эътибор беринг-а! Миллатчилик эмас-у, русий забон боғча билан ўзбекча боғчамизга ҳам бир эътибор беринг-а... Фарқи нимада? Оғриқли нуқта кундан-кунга кўпаймоқда. Шу ўринда бир неча ҳаётий кузатишларимни оқ қоғозга оппоқ меҳр билан туширмоқчиман.

Раъно чиройли, дуркун, шу билан бирга оилада кенжа қиз эди. Ота-она уйида ўзига тўқ ўсди. Савдо билан шуғулланган она 3 қиз ёнида уни ҳаммасидан ҳам эркалар эди. Ҳаёт, тақдир тақозоси билан вақти-соати етиб, оқ либос кийиш насиб қилди. Бир олам орзу-ҳавас билан қадам босган хонадонда муҳит ўзгача эди. Бу ердаги ҳолат уни қанчалар чарчатмасин, уни енгишга ҳаракат қилди. Ишламас куёв инжиқликлари билан курашиб, бошқоронғулигида ҳам бўлажак фарзандининг омон-эсон туғилишини истаб, худога ёлворди.

Бу орада ўртоғининг таклифи билан Россияга қараб жўнади. “Яхши жойлашдим, сиз ҳам келинг”, дея турмуш ўртоғини ҳам чақиртирди. Маълум бир вақтдан сўнг янги меҳмонни кутиб олиш учун яна юртига қайтди. Унинг кўрган қийинчиликларини ёзишга тил ожиз. Келганда 5 ойдан бери кирмаган хонасининг кўриниши уни эсанкиратди. Қайнсингил жойлашган, кийим-кечаги, сандиқлари алғов-далғов... Онасининг не умидда қилган кўрпа-кўрпачалари бир аҳволда... Ичидан зил кетса-да, оиласи бузилмаслиги учун индамади.



“Фарзанд дунёга келади, она бўламан”, деган фикр билан яна бир амаллаб кун санади. Мана, у истаган пайт ҳам насиб этди - ўғилли бўлишди. Умидим, ишончим, дея унга “Меҳриддин” деб исм қўйди. Куёв эса: Менам сен қатори ишладим”, дея “ювди-ювди”га тушди. Сал ўтар-ўтмас, олдинги ҳол яна қайталади. Олдин икки қорин қайғуси бўлса, энди уч қорин қайғусига айланди. Раъно янги туққанлигини ҳам унутиб, яна рўзғорини бутлашга уринди. Онасининг кўмагида 6 ойлик чақалоғи билан Россияга жўнамоқчи бўлди. Эри эса: “Совуқ тушди, мен бормайман, болани ташлаб, сен кетавер, ўзим амаллайман”, дея оёқ тираб туриб олди.

Болага ичидан ачинса-да, Раъно ноилож жўнаб кетди. Ойма-ой пул жўнатиб, кунора телефон қилиб, Меҳриддинга меҳр улашди. Ора узоқ бўлса-да, кўнгил яқин дея ўзини овутди. Бир олам ички ҳиссиёт: соғинч, оналик меҳри ийиб, ёрлик, аёллик дунёси билан яна қайтди. Бу пайтда боласи тилга кирган, ширин-ширин сўзи билан ҳаммани ўзига қаратган эди. Раъно бир сумка кийим-кечак, бир талай ўйинчоқлар: ўзи учар самолёт-у, ўзи юрар машина, ўзи гапирадиган роботи, мусиқа асбоблари олиб келди. Ширингина ўғилчаси эса унга қайрилиб ҳам қарамас, қўли тугул, кийимини ҳам ушлатмас, “Кел-кел ўғлим, Меҳрим”, деган қучоқ бўш қоларди. Мана сизга оила, она, бола. Шунинг учун ҳам халқимизнинг: “Туққан эмас, боққан она”, деган ҳақли гапи бежиз эмас. Раъно икки ўт орасида қолди. Қаерда хато қилди?! Кетмаслиги кераклигини тушунди. Лекин жуда кеч бўлганди...

* * *

Ўқувчи қизим Феруза табиатан нозиккина, ориққина қиз эди. Унинг кўзи узоқни яхши кўрмас, аммо кўзойнак тақишга бошқалардан уяларди. Мактабни битириш арафасида отасининг иши қисқартирилди-ю, оила анча қийналди. Қизил аттестатга даъвогар Феруза ўқишга ҳам путур етказди. Моддий қийинчилик маънавий қийинчиликни енгди. Ўқитувчилик қилиб юрган она: “Россияга кетаманга” тушиб қолди. Эри рўйхушлик бермади. 1,5 ёшга ҳам етмаган қўлидаги қизини ҳам ўйламай: “Опаси қарайди, онам келиб ўтиради уйга, мен кетаман”, деди-ю, эрининг кўнглига ҳам қарамай жўнаворди.

Ана шундан бошланди Ферузанинг бир умрли хотира бўлиб қолган кунлари. Мен синф раҳбари бўлган синфда ўқувчи қизи, бир куни: “Устоз, укам онамни соғиниб, ичикаяпти шекилли, иситмаси тушмаяпти”, деса, бир куни: “Укам шамоллаб, йўталаяпти, жавоб беринг”, деб келарди.

Бир куни қарасам, кўзлари қизариб кетган. Туни билан ухламагани кўриниб турибди. “Феруза нима бўлди, яна?” - десам, “Сингилчам кечаси билан эмаман, деб менга ёпишиб чиқди. Ҳеч кимга бормайди, момом кўкрак берса олмайди, қўшимча овқатини берсак ҳам олмаяпти. Фақат менга ёпишиб... - дея уялди-ю, яна давом этди: - «Эмиз», деб йиғлайди. Устоз, икки кечадан бери ухлаганим йўқ, кундузи рўзғор, уч укамни мактабга жўнатаман, овқат, кир-чир... Бу ёқда момом ҳам: “Кетаман, ўз уйим ўлан тўшагим, қариганда сенларам мени...” деб ўтирибдилар, дея йиғлаб юборди. Ҳали 17 га кирмаган бир қизнинг оҳу зорига чидаш қийин.

Энди ўйлаб кўрайлик. Ким ҳақ? Қайси тараф...

Халқимизда яна бир ҳикмат бор: “Хотин кўмирчи, эр темирчи. Кўмирчининг минг ургани, темирчининг бир ургани”. Ҳа, бу икки тақдир ҳали бир фарзандлик она—ёш келин билан, 5 фарзанди бор онанинг ҳаёти...

Маҳаллаларда, мактабларда бундай ҳолат кўп топилади. Бир тарафдан 6 ойлик болани олиб қолиб, боққан эркак, қайнонага ҳам гап йўқ, дейиш мумкин. Бир тарафдан эса ёш келинни жўнатиб юбориш шартмиди?

Ферузанинг аҳволига эса ҳамма ҳам чидай олмаса керак.

Ҳа, азизлар! Шундай ҳолатга дуч келаверамиз-келаверамиз. Бундай турмуш муаммоси учраб турса-да, бир қараб қўямиз холос. Маслаҳат бериб, кимнингдир кўнглига тегмаслик учун ўзимизни четга оламиз. Бундай дўппини ёнга қўйиб, ўйлаб кўрадиган вақт эса аллақачон келган.

Конституциямизнинг 65-моддаси, 2-қисмида ҳам “Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”, дейилган. Аммо баъзи оналар пул топиш йўлида ўз болаларидан меҳрларини дариғ тутмоқдалар. “Тарбия ўчоғи - онанинг қучоғи”. Илк бора тарбия она қўйнидан, алласидан, меҳридан бошланади. Кейин эса ҳаёт, оила, турмуш уни улғайтираверади.

Бу фақат дилим тубидан чиққан бир садо, аммо унинг тубида яна қанча нидолар овоз бермоқчи?! Сиз бунга нима дейсиз?..

**Дилбар НОРМУРОДОВА,**
**Термиз шаҳри.**

# ЯХШИЛИККА ЯХШИЛИК БИЛАН...

**“Қилмишига яраша”-3-сон**

**ЭСЛАТМА: Эримнинг ука-сингилларини оқ ювиб катта қилдим. Яқинда қайнсинглим фол очирса «Янганг сени дуоибад қилибди, у сени кўролмайди»,-дебди. У эса фолчига ишонибди. Менга ёмонлик тилаган қайнсинглимнинг ўзи йиқилиб, қўли синибди. Ундан кўнглим қолди. Лекин унинг уйига бормай қўйсам эрим билан орамиз бузилмасмикан?**

**Муаллиф: Гулбашакар**

Мақолани берилиб ўқиб чиқдим. Гулшан! Сиз ҳақиқий раҳмдил, меҳрибон аёл экансиз. Қайнсинглингизга ҳақиқий оналик қилибсиз, оғир кунларида ташвишларига шерик бўлибсиз. У сизни қадрингизга етиши, миннатдор бўлиши керак эди. Гулшаной! Қайнсинглингиз ўта маданиятсиз, маънавиятсиз аёл экан, бўлмаса фолбинга борармиди, унинг сўзларига ишонармиди? Агар унинг мияси ишлаганда, ўзи еб-ичиш ўрнига, 50 долларини фолбинга бериб, сизни дуоибад қилармиди?

Сиз тоза юракли аёл экансиз, унинг дуолари сизга тегмабди. Сизга ёмонлик қилган қайнсинглингиз йиқилиб қўли синибди. Ўзи қазиган чуқурга ўзи тушибди. Шуни билингки, ким ёвузлик уруғини сепса - пушаймон бўлади, барчанинг ғазабига учрайди.

Қайнсинглингиз ўзининг хатосини тушуниб, акасига: “Келинойим мени кечирсин”, - дебди. Эрингиз ҳам сизнинг ажойиб, меҳрибон аёл эканлигингизга гувоҳ бўлибди. Эрингиз ҳаққи-ҳурмати, сиз қайнсинглингизни кечиринг, албатта унинг ёнига боринг, ундан ёрдамингизни аяманг.

Гулшаной! Яхшилик қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, бу фақат мард инсонларнинг иши. Сизнинг мардлигингиз, қайнсинглингизни номардлиги шундоққина сезилиб турибди. Энг нозик ниҳоллар ҳам тошдай қаттиқ ерни, қоялардаги ёриқларни ёриб, ўсиб чиқади. Яхшилик ҳам худди шундай.

Шуни билингки, инсон қанчалик доно ва саҳоватли бўлса, барча-барчага яхшилик қилишга интилаверади. Сиздек аёлга ўхшагим келади, ҳавас қиламан.

Қайнсинглингизга айтадиган гапим шуки, келин ойингизни олдига бориб, қилган ишларингиздан пушаймонда эканингизни айтиб, кечирим сўранг. Бундан кейин фолбинларга асло яқинлашманг. Онангиз ўрнида оналик қилаётган келин аянгизнинг қадрига етинг. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтаришга одатланинг. Яхшилик, эзгулик йўлдошингиз бўлсин.

**Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Андижон вилояти,**
**Маънавият тарғибот маркази Булоқбоши туман бўлими раҳбари.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Жияним МОҲИЧЕҲРА!**
Туғилган кунинг билан муборакбод этаман. Сенга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, фаровон ҳаёт тилайман.
Амманг София



**Муҳтарама Муҳаббатхон НАСРИДДИНОВА!**
Таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлинг. Бахту саодат, хотиржамлик ҳамроҳингиз бўлсин.
Ҳамкасбларингиз



**ТУРДИБОЙ ака!**
Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар тилайман.
Умр йўлдошингиз Аноргул



**ҚОБИЛ ака!**
Таваллуд айёмингиз билан табриклайман. Сизга соғлиқ-саломатлик, ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Ҳаётингиз қувончли кунларга бой бўлсин.
Яқинларингиз

**Азиз синглим МАЛОҲАТ!**
Мучал ёшинг муборак бўлсин. Бахт-саодат, тилаймиз. Фарзандларинг бахтини кўриш насиб қилсин.
Опанг Марҳабо

**МАҲМУДЖОН ва ДИЛБАРОЙ!**
Таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.
Яқинларингиз

**Онажонимиз Гулбаҳор ХИДИРОВА!**
Сиз меҳрибонимизни туғилган кунингиз билан қутлаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлинг. Роҳатимизни кўриб, отам билан қўша қариб юринг.
Оила аъзоларингиз номидан ўғлингиз Одилжон

## «Оила ва жамият» ўгитномаси

*Ичкилик йўқ жойдан ғалва чиқарар,*
*Оила бошига битгани зарар.*
*Маст бўлган, ўзини англаса кошки,*
*Орага тушганнинг кўзи кўкарар.*

* * *

*"Олма пиш..." деганга омад кулмайди,*
*Ирмоқлар бўлмаса, дарё тўлмайди.*
*Яхшилар юзидан нур ёғиб турса,*
*Эзгулик гулзори асло тўлмайди.*

*Эгрилик йўлидан узоқ бормайсан,*
*Тўғри йўлдан юрсанг, бошни ёрмайсан.*
*Дарвозанг тиқ этса, хавотир босиб,*
*Ҳаром луқма билан узоқ бормайсан.*

* * *

*Рўзғор тебратмоқлик эркакнинг фарзи,*
*Оила қувончи ҳаётнинг файзи*
*Чойхона тўридан бери келмасанг,*
*Асло камаймайди аёлнинг арзи.*

**Пардабой ҚУЛАТОВ,**
**Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани.**

## Ҳаётий кузатмалар

Яқинда бир дўстим эрталаб Бекобод-Тошкент йўналиши бўйлаб, ўзининг шахсий "Нексия"сида пойтахтга келаётган бўлган. Фалокат оёқ остида деганларидек, эҳтиётсизлик туфайли машина сирпанчиқ йўлдан тойиб, далага тушиб кетган.

Бироз бошдан лат олган дўстим, машинани ўрнидан қўзғата олмаган. Дўстим бошидаги қонни тўхтатиш учун нексиясини қолдириб йўловчи машинада яқин касалхонага етиб олган.

Бошни лат еган жойини тиктириб, машина жойига қайтса машинасининг ҳамма эшиклари очиқ. Энг афсусланарлиси, дўстим ДАН ходимларига ҳам хабар беролмаган.

Ё, алҳазар! Машинасидан бир соат ичида битта запас балон, магнитафон, сотка телефонини ўмариб кетишибди.

Эҳ, инсонлар! Бу замонда кимдир ўламан деса, кимдир куламан дейди. Эссиз, инсонийлик фазилати!

Бир дўстим меҳмондорчиликка айтиб кетди. Ўзи тижорат билан шуғулланади. 8-10 йиллар аввал унинг эски уйида бўлган эдик. Кўпчилик бўлиб унинг уйига бордик. Эски уйлар бузилиб, пишган ғиштдан иморат солибди.

Меҳмондорчилик боиси - невaралик бўлибди. Дўстим шохона меҳмонхонасида бизни роса меҳмон қилди. Менинг эса бир эски одатим—қайси хонадонга борсам, китоб излайман, қўлга олиб варақлайман. Лекин дўстим уйида биронта ҳам китоб кўринмади. Суҳбат орасида:- "Уйингда бадиий китоблар борми, дўстим?"-деб сўраб қолдим.

Дўстим: - Эҳ, биродар! Ҳали ҳам боласан-да! Хабаринг бор, ўқитувчи эдим, косам оқармади. Кўриб турганингдек, ўзимни тижоратга уриб, кам бўлмадим. Сен ҳам ҳадеб китобга умрингни сарфлайвермай, ҳаёт илмини ўрган, пул-бу ҳаёт оқими... Билдингми,-деса бўладими?..

Нима дейишни билмай, тилимни тишладим...

**Султонмурод ФАЙЗИЕВ, Тошкент вилояти, Бўка тумани.**

## Туш таъбирномаси

# ЎНГИДАН КЕЛДИ

Талабалик даврини бошидан кечирган киши буни яхши тушунади. "Сессия", "зачётка", "имтиҳон" вақтида ҳатто тунги уйқунгизни ҳам унутиб дарс тайёрлашга муккадан кетасиз-да, қўлда ручка, бошни китобга қўйиб қандай пинакка кетганингизни билмай қоласиз. Тушингизда эса "домлалар", "баҳолар", "савол-жавоб"лар бир-бирига гал бермай кириб-чиқиб юришади. Қисқаси ҳатто тушда ҳам бошқа нарсалар тўғрисида ўйлашга ўзингизга имкон бермайсиз.

Аммо яқинда, айни имтиҳонлар авж олган паллада кўрган тушим ва унинг ижобати...

Эртага инглиз тилидан имтиҳон топширишим керак эди. Дарс тайёрлайдиган столим луғату-дарсликлар билан тўлиб кетган. Берилган вазифани ҳали тугаллаганимча йўқ. Бироқ шунақаям уйқум келаяптики... Буни юқорида айтганимдай фақат талабалар тушунишади. Қандай кўзим илинганини билмайман. Туш кўрибман. Тушимда онам билан уйда, иссиққина танчамизнинг ёнида севимли газетамиз "Оила ва жамиятни" ўқиб ўтирган эканмиз. Бир вақт онам: "Қизим. 16-саҳифани қара-чи, қандай эълонлар чиқибди. Зора тоғангга яхшигина бир жуфти-ҳалол топила қолса...",- дебди. Мен эса: "Онажон, мана бу эълонни ўқиб чиқинг-чи. Тоғамга тўғри келса керак. Ёши ҳам энди ўттиздан ошибди. Бефарзандликдан аввалги турмуши бўлмабди. Ҳозир ота-онасининг уйида яшаркан...", - дея газетани онамга узатибман. Онам эълонни овоз чиқариб ўқиб чиқибдида, "Бобонг-момонгдан маслаҳат олиш керак. Ҳали тоғангнинг ўзи нима дейди. Эълондаги жувоннинг ёши тоғангдан 15 ёш кичик экан", - деб ўрнидан турибди. Кўча эшиги томонидан ўша тоғам билан кенжа холамнинг овози келибди ҳамки, уйғониб кетибман.

Оддий бир туш. Ўша тушни кўрган кунимдан икки кун ҳам ўтмасидан онам қўнғироқ қилиб қолдилар: "Қизим, яхшимисан? Соғлиғинг жойидами? Айтгандай, суюнчи бер! Нусрат тоғангни уйлантираяпмиз. Келин бола ишхонамдаги Ҳалиманинг жияни... Бечора олдинги турмушидан фарзанд кўрмабди. Беш йилдан бери ота-онасининг уйида яшаркан. Тоғангга ҳам шундай бир фақиргинаси керак эди. Етим болаларини бошини силайдиган. Тоғангнинг хотинига тутган азаси тугади. Мана хотининг ўлганига тўрт йил бўлибди. Минг ҳаракат қилса ҳам рўзғори издан чиқар даражага етди. Энди шу жувон билан бахти қўшилган бўлсин илойим...".

Онамнинг айтишича тоғам билан кенжа холам бизникига меҳмонга боришибди. Йўлда таксига ўтиришган экан, ўша жувон ҳам қўшилибди. Манзилига етганда тушиб қолибди. Машинани ҳайдаб кетаётган таксичи уни танир экан. Бечоранинг тақдирини ҳикоя қилиб берибди. Тоғам ўша жувонга қизиқиб қолиб, уйимизга келганида онамдан ҳам суриштирган экан, у онам билан бирга ишлайдиган ҳамкасбининг жияни бўлиб чиқибди. Шу тариқа улар учрашишиб, бир-бирига маъқул келишибди.

Бу гапларни эшитиб ҳайратдан ёқамни ушладим. Чунки ўша тушни кўрганимга ҳали икки кун ҳам бўлгани йўқ эди. Унинг ижобати шундай юз бериши мени жуда ҳайрон қолдирди. Онамга ўша туш ҳақида сўзлаб бердим. Онам эса: "Болам, тушда кечган хайрли воқеалар ўнгимизда шундай тез содир бўлади", -дедилар.

**Малоҳат МЎМИНОВА**

**АБДУРАҲМОН** хусусий шифохонасида

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

**1.** Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
**2.** Аллергик вазомотор ринитлар.
**3.** Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
**4.** Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
**5.** Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
**6.** Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
**7.** Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ªуй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида фаолият юритаётган **«AL MAHMUD»** хусусий корхонаси, «AL MAHMUD» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади.
**Даъволар 10 кун давомида қабул қилинади. ТЕЛ: 232-14-71**

**ЮЛДАШЕВА ТАЖИХОН ТАДЖИБАЕВНАГА** берилган **РВ №866174 рег. № 25222** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафтанинг биринчи ярмида кўплаб хушхабарлар эшитасиз. Дам олиш куни яқин дўстларингиз билан учрашиб, дам оласиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Мақсадларингизни амалга оширасиз. Меҳнатингиз муносиб тақдирланиб, раҳбарларингиз томондан мукофотланасиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Саёҳатга чиқиш ва билим олиш учун омадли ҳафта. Ишда амалингиз ошади. Қариндошларингиз билан дийдорлашасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ўз хавфсизлигингизни таъминлашингиз лозим бўлади. Маблағга оид ишларингизни фақат ўзингиз бажарганингиз маъқул.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Севгилингиз билан бўлган муносабатларингизни мустаҳкамлаб оласиз. Шунингдек, уйингизга меҳмон чақиришингиз мумкин.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ҳафтанинг биринчи яримда ўз соғлиғингизга жиддий эътибор қаратинг. Бошқа лавозимга ўтишингиз масаласи ҳал бўлади.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Турли мусобақаларда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритасиз. Фарзандларингиз учун ҳам вақт ажратишга ҳаракат қилинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Ушбу ҳафтани уйингизда, рўзғор юмушларини бажариш билан ўтказганингиз маъқул. Ота-онангизга ғамхўрлик қилинг.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Ҳафтада сиз учун танишиш ва янги ришталар боғлаш жуда муҳимдир. Олис бўлмаган жойга саёҳатга чиқиш ҳам фойдали.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Буюмларингизни асраб-авайлашни ўрганинг. Меҳнатингиз сизга обрў келтиради. Қисқа вақт ичида маблағингизга маблағ қўшилади.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Таввакал қилишдан чўчиманг. Ҳамиша, ҳатто муҳаббат борасида ҳам илк қадамни ўзингиз ташланг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Атрофингиздаги инсонлар билан суҳбатлашганда эътиборлироқ бўлин. Оила аъзоларингиз учун шинамлик яратинг.

# ЁҚИМЛИ СУҲБАТДОШМИСИЗ?

## Аёллар учун тест



**Сиз суҳбат жараёнида барча билан бирдек киришиб кетаверасизми, ёки тил топишишингиз қийин кечадими? Бу саволга қуйидаги тест орқали жавоб топасиз.**

**1. Сиз дугонангиз бировни ёқтириб қолганидан, аммо у бу янгиликни ҳар хил йўллар билан яширишга уринаётганидан хабар топдингиз. Бу ҳолда қандай йўл тутасиз?**

а) уни ҳамма гапни очиқ-ойдин айтишга мажбур қиламан - 1 балл;
в) унинг гап яшираётганидан ҳайронлигимни айтаман - 3 балл;
с) индамай кўя қоламан, вақти келганда ўзи айтар - 2 балл.

**2. Тушлик пайти ошхонада ёнингизга ёқтирмайдиган ҳамкасбингиз ўтириб олиб, сизни суҳбатга тортмоқчи бўлди. Сиз...**

а) у билан суҳбатдан фойдали нимадир оларман, деб ўйлайсиз - 1 балл;
в) унинг суҳбати ёқимсизлигини очиқчасига айтасиз - 2 балл;
с) имкон қадар мулойим бўлишга ҳаракат қиласиз - 3 балл.

**3. Узоқ ўйланадиган, сусткаш суҳбатдошга муносабатингиз қандай?**

а) бундан ортиқ жазо борми? - 3 балл;
в) уни шоширишнинг шарт эмас - 1 балл;
с) у ўйланиб ўтирганда анча-мунча ишни битириб олиш мумкин - 2 балл.

**4. Нотаниш киши йўлда сизни суҳбатга тортди. У билан мулоқотда бўласизми?**

а) агар дунёқараш ва қизиқишларимиз мос келса - 2 балл;
в) зерикkан бўлсам ва ким биландир валақлашиб кетгим келса - 3 балл;
с) мен нотаниш кишилар билан умуман гаплашмайман - 1 балл.

**5. Ҳамкасбингиз билан бир масала юзасидан тортишиб қолдингиз. Сиз...**

а) босиқ бўлишга ҳаракат қиласиз ва ҳамкасбингизни ҳам шунга ундайсиз - 2 балл;
в) у ҳақида нима ўйласангиз, ҳаммасини юзига очиқ айтасиз - 1 балл;
с) унга ичидагини тўкиб солишига имкон берасиз - 3 балл.

**6. Дугонангиз билан янги фильмни муҳокама қилаяпсизлар. Унинг фикри сизники билан мос келмаяпти. Бу нарса сизни...**

а) асабийлаштиради, одам деган шунчалик ҳам қайсар бўладими - 1 балл;
в) қувонтиради, чунки айнан шундай баҳслар сизга ёқади - 3 балл;
с) табиий ҳол деб қараша ундайди, зеро ҳар кимнинг ўз фикри бўлгани яхши - 2 балл.

**7. Дугоналарингизнинг фикрича...**

а) сиз ҳамма билан тил топишиб кета оласиз - 3 балл;
в) сиз билан тил топишиш мушкул - 1 балл;
с) сиз танлаб муомалада бўласиз - 2 балл.

**8. Сизга муҳим музокараларни олиб боришни таклиф қилишди. Нима деб жавоб берасиз?**

а) керакли ҳамма нарсаларни тайёрлаб бераман, аммо уларни бошқа биров ўтказгани маъқул - 2 балл;
в) албатта рози бўламан - 3 балл;
с) таклифни рад этаман - 1 балл.

**9. Бадиий ҳаваскорлик тўгарагида бир сафар раҳбар, бошқа сафар эса оддий ходим ролини ўйнашингизга тўғри келади. Сиз...**

а) бир ролдан иккинчисига қийинчилик билан мослашасиз - 1 балл;
в) ролларга осонлик билан киришиб кетасиз - 2 балл;
с) раҳбар ролини осон, оддий ходим ролини эса қийинчилик билан ўзлаштирасиз - 3 балл.

**10. Тасаввур қилинг, сиз реклама агентисиз ва кўп одамлар билан мулоқотда бўлишингизга тўғри келади. Суҳбатдошингизнинг мавқеига қараб овозингиз тони, мимикаларингиз ўзгарадими?**

а) деярли ҳар доим - 3 балл;
в) фақатгина раҳбарларнинг олдида - 2 балл;
с) ҳеч қачон ўзгармайди - 1 балл.

**Энди тўплаган балларингизни ҳисоблаб чиқинг.**

<u>**10-16 балл.**</u> Одамлар билан мулоқотда сиз чақмоқтош каби қаттиқсиз. Суҳбат чоғида ўзингизни тутишингизнинг ўзгармас услуби бор. Бу бир томондан яхши, чунки сиз ташқи таъсирларга берилувчан эмассиз. Иккинчи томондан эса, сизнинг услубингизга мослаша олмайдиган суҳбат дуч келганда тил топишишга қийналиб қолишингиз тайин.

Агар ана шундай суҳбатдош янги раҳбарингиз ёки қайнона-қайнотангиз бўлишса, нима қиласиз? Ишхонада ва оилада барқарорлик ва тинчликни сақлаш учун ён босишни ҳам ўрганишингизга тўғри келади.

<u>**17-23 балл.**</u> Сиз суҳбат чоғида вазиятга қараб мослашишга лаёқатлисиз. Оддий ҳаётда одамлар билан осон мулоқотга кириша оласиз. Аммо суҳбатдошингизнинг мавқеига, ёшига, ақлий даражасига ва дунёқарашига қараб суҳбат услубини ўзгартиришингиз мумкин. Шу боис сиз айрим кишилар билан юмшоқ ва хушмуомала, бошқалар билан эса кескин ва қўпол муомалада бўласиз. Сиз учун муҳими - мулоқот ҳар доим ижобий натижа бериши шарт!

<u>**24-30 балл.**</u> Сиз ҳар қандай одам билан тил топишишга қодирсиз. Суҳбат жараёнида гўёки суҳбатдошингизнинг ичидагини билиб тургандек бўласиз ва айнан у хоҳлагандек мулоқот қурасиз. Шу боис сиз мулоқот билан боғлиқ соҳаларда яхши ютуқларга эришишингиз мумкин. Хусусан, савдо-сотиқ, музокаралар олиб бориш, журналистика, реклама бизнеси, таълим, алоқа соҳалари сизга жуда мос келади. Шу ўринда АҚШ президенти Б. Франклиннинг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтишни жоиз деб билдик: **"Одамлар билан тил топишиш учун баъзида ўз тилингни тишлашингга тўғри келади"**. Хуллас, жуда ҳам берилиб кетманг, демоқчимиз!

**ДАРМОН тайёрлади.**




# ҲАЁТИМНИ ЁРИТГАН МЎЪЖИЗА

- Мен оддий техник уста бўлиб заводда ишлардим, - дея ҳикоясини бошлади Аброр Саматов. - Илгари маишатпараст банда эдим. Маҳаллада ўтказиладиган тўй-тантаналарга мени кўпда таклиф этаверишмас, кўздан узоқ қилишга уринишарди. Сабаби, текин ароқ, газак бўлса нафсимни жиловлай олмас, бўккунимча ичиб, жанжал чиқаришим ҳаммага аён эди. Тўй тугагач, уйга қайтаётиб, бирор ариқ ёки дарахт остида қўним топиб, ором олардим.

Ҳатто бир йили қишда мастлик таъсирида кўчада қолиб, совуқдан музлаб ўлишимга ҳам бир баҳя қолган эди. Оила аъзоларим, айниқса аёлим Бахтигул мени бир неча маротаба домла, табибларга кўрсатди. Икки-уч маротаба касалхонада даволандим ҳам чиққандим. Бир-икки кун оғзимга бу "дўзах суви"ни олмай юрардим-у, яна журъатсизлик қилиб, ичиб олганимни билмай қолардим. Ахири мени бу йўлдан қайтариб бўлмаслигини билган яқинларим тақдирга тан беришди.

Қўлимга озгина пул тушдими, тамом, дўконга қараб ошиқаман. Бутилкани қўйнимга яширганча, пана жой топиб, хумордан чиққунча ичаман. "Тўппа-тузук ароқхўр бўлган экансиз, қандай қилиб техник уста бўлиб заводда ишлардингиз", дейишингиз мумкин. Менинг бу касбим ота мерос касб. Болаликдан шу касб нонини еганим, отамга ёрдамлашиб, кўзим пишгани учунми яхши эгаллаган эдим. Ягона камчилигим ароқхўрликни айтмаганда, бинойидек одам бўлганман. Ўзим мустақил ишлаб, иш якунланганда уй соҳиби юз граммдан деб "дўзах суви"ни қўлимга тутарди. Ичавергандан кейин ўрганиб қолар экан-да, киши. У эса худди чирмовуқдай оёқларингизни ўраб олар экан.

Бир куни шаҳар ташқарисидаги хонадонларнинг бирига иссиқхона қуриш учун чақиришди. Уйнинг катталари қаергадир кетган экан. Уйда фақат фарзандлари қолганлигини кўриб, ишлаш олдидан нафсимни қондириш учун ароқдан тотиниб келдим. Болалардан бирининг қўлига пул бериб, дўкондан ароқ олиб келишини сўрадим. Ўзига ширинлик олишини ҳам унутмаслигини айтган эдим, у рози бўла қолди.

Икки-уч стакан ичдиммми-йўқми, кайфим ошиб оёқда турмайдиган бўлиб қолдим. Уй соҳиби келганда ҳеч қандай иш қилинмаганини, унинг устига менинг аҳволимни кўриб, паттамни қўлимга тутқазиб, уйидан қувиб солди. У пайтда осмонни қоронғу зулмат эгаллаб олишга улгурган эди. Кайфим ҳали тарқамаган, чўнтагимда эса бир хемири ҳам йўқ эди. Ҳозир уйга кетолмаслигимни тушуниб, қандайдир бино ичкарисига кирдим. Нима қилса ҳам бегона жой эканлигига ақлим етарди. Ўзимнинг маҳаллам бўлгандами, кўча-кўйда ётиб кетаверган бўлардим.

Шу кун туш кўрдимми, ё ўнгимдами, бир воқеа содир бўлди. Рост, англай олмадим. Бир гулзор эмиш, улардан нафис ислар таралардиi. Дарахт шохларида булбуллар хиром айларди. Осмон мусаффо, қуёш ўзининг заррин нурларини заминга сочади. Мен гуллар орасида бехуш бўлиб ётардим. Биласизми, менинг рангим зулмат рангидай қопқора эди. Тўғрироғи, устимдаги кийим-бошим қора рангда. Осмондан бир нур тушгандай бўлиб, кучли ёруғлик тарқалди. Кўзларим қамашиб, уларни кафтларим билан тўсдим. Бир зумдан кейин кўзимни очсам, қаршимда оппоқ яхтак кийган нуроний отахон турардилар. Отахоннинг юз-кўзларидан нур таралади. Улар менга бир сўз айтмай, юзимни бир-икки силадилар-да, кўздан ғойиб бўлдилар.



Кўзимни очиб қарасам, вақт бомдодга яқинлашиб қолган экан. Худди бу ерни яхши биладиган кишидай эдим. Фақат бу ерга қачон келганимни эслай олмадим.

Бир нарса аниқки, ўша куни бир масжидга кириб тунаган эканман. Ўрнимдан шахт билан туриб, бомдод намозини ўқишга ҳозирлик кўрдим. Кўрган бу тушимдан кейин менда қандайдир хислат пайдо бўлганлигини ҳис қилардим. Илгари бирор марта намоз ўқимаган, дуои тиловатни билмайдиган инсон бир кун ичида ўзгариб қолганимни ҳаммани ҳайратга соларди. Мактабда ўқиб юрган кезларим китобларни аранг ўқирдим. Ҳозир эса мусулмон аҳлининг муқаддас китоби саналмиш "Қуръони карим"дан мўминларга сабоқ бераяпман.

Оллоҳ инсоф берса ҳеч гап эмас, деганлари шу бўлса керак. Ҳозир ўйланиб, тушимнинг мазмунини чақишга уринаман. Бир нарса аёнки, бу туш менга ато этилган энг катта инъом бўлди. Шундан кейин янги туғилган чақалоқ каби ўзимни енгил ҳис қилдим. Ҳозир ўша масжидда имом бўлиб ишлаяпман. Тангримдан ҳар намоз тиловатимда қилган гуноҳларимни кечиришини, менга ўхшаб адашган бандаларга инсоф беришини сўрайман.

**Наргиза МУРОДОВА**



## БИРОВНИНГ БОЛАСИ УЙИМДА

*Тўй қилиб келинчак туширдим.
Ўзимга ўзим иш оширдим.
Мен энди... мен энди тушундим.
Бировнинг боласи уйимда*

*Бақирманг, дадаси, секин-ей,
Овозингиз бирам текин-ей.
Уйимнинг қайтига бекинай?
Бировнинг боласи уйимда.*

*Ҳаммага қиламан илтифот,
Тилимга бўламан эҳтиёт,
Кўчага чиқмасин "ахборот",
Бировнинг боласи уйимда.*

*Келинлик бир келар, яйрасин,
Оллоҳим илтифот айласин,
Қозоним гўшт билан қайнасин,
Бировнинг боласи уйимда.*

*Сипороқ кийингин вой, қизим,
Ибрат бўл келинга, ҳой қизим,
Онангни тушунгин, ой қизим,
Бировнинг боласи уйимда.*

*Ёрдам қил, сиқиб бер ўсмасин,
Бахтингни йўлини тўсмасин,
Совчига ёмонлаб қўймасин,
Бировнинг боласи уйимда.*

*Чимирилмасин деб қошлари,
Авайлаб шу келин пошшани,
"Сиз-сиз" лаб ҳайдайман пашшани,
Бировнинг боласи уйимда.*

*Койишар, эркалаб куласан,
Келинга "майли", деб турасан,
Бошингга тушганда биласан,
Бировнинг боласи уйимда.*

*Нонини куйдирса майлига,
Идишни синдирса майлига,
«Адвокат»ман ўша лайлига,
Бировнинг боласи уйимда.*

*Болам дер гапирсам «уф» бўпти,
Билмадим балки куф-суф бўпти.
Ўглим ҳам қўшилиб жуфт бўпти,
Бировнинг боласи уйимда.*

*Майли, мен қайнона, қайнамай,
Келин ҳам тек юрсин айнамай,
Буюм бир кўргулик, айланай,
Бировнинг боласи уйимда.*

*Қаҳр-ла кўнгиллар лойланар,
Меҳр-ла юраклар бойланар,
Бир кун ўз боламга айланар,
Бировнинг боласи уйимда.*

*Марҳабо дер, ичим кон, дўстлар,
Учрашиб турайлик, жон дўстлар,
Ҳасратдан юрагим қон, дўстлар,
Бировнинг боласи уйимда.*

## Илтимосингизга биноан

### ЎҒИЛ БОЛАНГ БИРОВНИНГ ХАСМИ

*Ўгилми қиз бари ўз боланг,
Қизлар меҳмон дейишар расми.
Ўзингники асли қиз боланг,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Ўстирасан бўлиб парвона,
Эга чиқар битта жанона.
Бу савдога бўлма ҳайрона,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Унутса ҳам ўз онасини,
Тугилган ҳовли-хонасини,
Унутмайди қайнонасини,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Қизинг жонин илиниб турар,
Юраклари тилиниб турар,
Меҳри кўздан билиниб турар,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Согинганда йигламай кутгин,
Ичикмасдан ўзингни тутгин,
Кўз ёшингни "қулт" этиб ютгин,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Уй-рўзгори бўйнида хуржун,
Боламга дер, Худо берган кун,
Дуо қилу, чиқармагин ун,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Юрагини устуни ёри,
Совуққотса пўстини ёри,
Боласига топгани бори,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Уришсалар қози бўласан,
Ўртада тарозу бўласан,
Ўлимингга рози бўласан,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Иши тушса ёнингга чопар,
Ҳиндистонда бўлсангам топар,
Бошқа пайт кутма эй, модар,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Хафа бўлсанг койиб тонасан,
Кечирасан, чунки онасан,
Тушун, мунча куйиб ёнасан,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Жанжал қилма, онамисан, бас!
Келин сенинг кундошинг эмас,
Ўглинг энди сирдошинг эмас,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Совчиликка боришдан олдин,
Сандиққа сеп солишдан олдин,
Бир мантиққа кўникиб олгин,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Келсаю келмаса дуо қил,
Билсаю билмаса дуо қил,
Берсаю бермаса дуо қил,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Меҳнатларинг Худо йўлига,
Захматларинг Худо йўлига,
Қаратиб қўймасин қўлига,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

*Келинга гапирсанг мулойим,
Ўглинг сандан рози ҳар доим,
Бу ҳаётдир, Марҳабо ойим,
Ўгил боланг бировнинг хасми.*

Марҳабо КАРИМОВА

## МУНОЖОТ

**(Хазрат хожа Аҳмад Яссавийга)**

*Нур шахридан хожам сенга айтдим салом,
Хуш инсонлар фикрларин қилдим калом.
Неча ўйлаб ахир зикрин этдим баён,
Ҳикматларинг, белга бойлаб айтдим мано.*

*Эй тақсирим, бир имдод қил, уйғоқ бўлсанг.
Қадриятлар завол тортур, агар билсанг.
Эл ичинда кўрар кўзинг, агар юрсанг,
Хому-нохос, амалларга ҳайрон мано.*

*Ҳидоятдан четда юрган, бўлди «мулло»,
Айтар сўзи «бисмиллоҳи», «алҳамдулилло».
Ислом деган тушунчадан йўқдир имло,
Илмсиз - қуруқ насиҳатга ҳайрон мано.*

*Бировларни шарму-ҳаё ташлаб қочди,
Буни кўриб чин инсонлар ақли шошди.
Ним яланғоч аёл кўриб нафрат ошди,
Эй тақсирим бу ишларга ҳайрон мано.*

*Бировларни шайтон уриб, ҳаддин ошди,
Ҳаром-ҳариш юришлардан инсоф қочди.
Савлатига сув юқтирмас, бир - нечалар,
Кибру-ҳаво, ман-манларга, ҳайрон мано.*

*Кўча-кўйда ғизиллайди, «ЗАГС» карвон,
Эл олдида намойишда davру-даврон.
Харажатдан ота-она, хуну-нолон,
Гап уқимас, сатангларга ҳайрон мано.*

*Наим ўғли кўрганларин айлар баён,
Ўзлигини унутмасин ҳар-бир инсон.
Ҳазрат сендан ўқиб билсин, то бор имкон,
Маъни билмас одамларга ҳайрон мано.*

**Сафар АБДУРАХИМОВ, Меҳнат фахрийси, Нурота шаҳри.**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

### ОЛЬМЕКЛАР ТАҚВИМИ

Ольмекларда ерларни суғориш тизими ва озиқлантириш учун ўғитлар бўлмаган. Уларнинг қишлоқ хўжалигини юритиш тартиби оддий эди: ер унумдор экан, унга қайта-қайта экин экишарди. Сўнг маълум вақт уни дам олдириб қўйишарди. Аслида эса бунга ҳожат ҳам бўлмаган. Чунки ольмеклар серсув дарёлар кўп бўлган ҳудудда истиқомат қилишган. Дарёларда сув кўтарилганда қирғоқ бўйларини сув босиб, ерни тўйинтирган. Шу боис бу ерлардан йилига икки-уч марта ҳосил олиш мумкин эди. Ольмеклар қачон сув босиши-ю, қачон ерга уруғ сепиш мумкинлигини аниқ белгилаб бориш мақсадида тақвимни ўйлаб топганлар.

Уларнинг тақвимида бир йил 365 кундан иборат эди.

### ОЛЬМЕКЛАРНИНГ УЙ ҲАЙВОНЛАРИ

Ольмекларда икки турдаги уй ҳайвони бўлган холос. Уларнинг бири ит, иккинчиси куркадир. Ольмекларнинг итлари ташқи кўринишдан ҳозирги чихуахуа наслига ўхшаш жуда кичик бўлган. Бу итларни кейинчалик сўйиб ейиш учун боқишган.



Шунингдек, ольмеклар бошқа ҳинду қабилалари – ацтеклар, майялар сингари курка ҳам боқишган.

### ОЛЬМЕКЛАРНИНГ ҲАЙКАЛЛАРИ

Ольмеклар жуда буюк ва маҳоратли ҳайкалтарошлар ҳам бўлишган. Улар тошга ишлов бериб, қабр тошлари, инсон шакли ўйиб ишланган тош тобутлар, турли ҳайкаллар ясаганлар.

Бу ёдгорликлар орасида улкан бош ҳайкаллари алоҳида ажралиб туради. Тарихчилар бу ҳайкалларда ольмеклар буюк йўлбошчиларининг бошларини акс эттиришган бўлишса керак, деб тахмин қилишади. Энг қизиғи, бу бош ҳайкалларининг жуда қаттиқ тош – базальтга ишлов бериб ясалганидадир.

Мазкур улкан бош ҳайкалларнинг катта қисми Мексикадаги Ла-Вента археологик боғида сақланмоқда. Уларнинг айримлари 2,5 метргача баландликка ва салкам 25 тонна оғирликка эга.

### МАЙЯ ҚАБИЛАСИ ҲАҚИДА

Майя қабиласи Марказий Америкада жуда муҳим цивилизацияни барпо этишган. Улар ҳозирги Белиз, Гватемала, Гондурас давлатлари ҳамда Мексиканинг Кинтана-Роо, Юкатан, Кампече, Чьапас, Табаско штатлари ҳудудида истиқомат қилганлар.

Майялар цивилизацияси 300 – 900 йиллар оралиғида ўзининг энг юксак чўққисига чиққан. Айнан шу даврда улар йирик шаҳарларни қуришган. Уларда турли ибодатлар ўтказиш учун махсус марказлар, жамоат бинолари бўлган. Тикаль, Паленке, Копан, Майяпан, Уксмаль, ЧиченИца ва Уаксактун майяларнинг муҳим марказлари эди.

Майялар овчилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган ва уларнинг цивилизацияси асосан тропик ўрмонлар ичида ривожланган. Шундай қийин шароитда ҳам улар ўз аҳамияти ва буюклиги жиҳатидан юнонлар, мисрликлар ёки шумерлар маданиятидан асло кам бўлмаган цивилизацияни ярата олганлар.




### МАЙЯЛАРДА ИЛМ-ФАН

Манбаларнинг кўрсатишича, майялар қадимги дунёнинг энг билимдон халқларидан бири бўлишган. Улар астрономия, математика, тиббиёт соҳаларида катта билим тўплаганлар. Қадимда фақат майяларда ва ҳиндлардагина ноль сони бўлган. Шунингдек, улар карра ва логарифмларни ҳам билишган. Майялар сонларни нуқта ва чизиқлар билан белгилаганлар.

Қадимги юнонларнинг, мисрликларнинг ёки шумерларнинг цивилизациясидан фарқли равишда майяларда йирик уй ҳайвонлари ҳам, темир буюмлар ва қуроллар ҳам, ғилдирак ҳам, кулолчилик асбоби ҳам бўлмаган. Улар фақат олтин ва кумушдан заргарлик буюмлари ясашган.

Умуман, майяларнинг иқтисодиёти, дини ва ижтимоий қурилиш шакли жуда мураккаб ва ривожланган эди. Шунинг учун айрим тарихчи олимлар уларни "Америка юнонлари" деб ҳам аташади.

### МАЙЯЛАР АСТРОНОМ СИФАТИДА

Майялар астрономия билан ҳам шуғулланиб, юзлаб йиллар давомида тунги осмонни кузатиб борганлар. Дастлабки даврларда улар фақат хоч шаклидаги тахтачалардан фойдаланишган. Мана шу оддий асбоб ёрдамида астрономлар осмоннинг аниқ бир нуқтасини белгилаб олиб, уни тадқиқ этишган.

Уларда ҳозиргидай телескоплар ва бошқа техника воситаларига эга бўлишмаса-да, улкан кашфиётлар қилишган. Масалан, улар ой циклларини санаб чиққанлар ва қачон ой тутилиши содир бўлишини айтиб бера олганлар.

### ОЛЬМЕКЛАРНИНГ ИХТИРОЛАРИ

Ольмеклар жуда ижодкор халқ бўлишган. Уларда ўз тақвимлари, ёзув шакли, сонларни акс эттириш тизими, ҳамда дин ва бошқарув шакли мавжуд бўлганлигини тарихий манбалар исботлайди.

Тижоратчи ольмеклар эса ўз билим ва ихтироларини Марказий Америкадаги бошқа халқлар орасида тарқалишига ҳисса қўшганлар.



Жумладан, майя ва ацтеклар улардан кўп нарсани ўрганишган. Шунинг учун тарихчилар ольмеклар цивилизацияси кейинги даврларда пайдо бўлиб, ривожланган маданиятларнинг бешиги бўлган деб ҳисоблашади.

**ДАРМОН тайёрлади.**

**Турмуш чорраҳаларида**

# ЎКИНЧ



Холасининг уйидан қайтаётган Моҳина автобус бекатида Авазга кўзи тушди-ю, ўриндиқдан туриб кетишига оз қолди. Уни кўрмаганига ҳам уч йилдан ошганди. Автобус деразасига пешонасини тираганча яна кўчага тикилди. Ёнидаги аёл Авазни қўлтиқлаб олган, у эса нималарнидир берилиб сўзларди. Шу пайт автобус жойидан қўзғалди. Моҳина деразадан кўз узар экан, оғир хўрсиниб қўйди. Ахир бу аёлнинг ўрнида ўзи бўлиши мумкин эди-ку. Агар... Агар нодонлик қилмаганида, албатта. Ҳаммасига ўзи айбдор. Лекин эндиги пушаймондан фойда йўқ...

Моҳина Авазнинг онаси ишлайдиган ташкилотга котибаликка ишга кирди. Онасининг олдига тез-тез келиб турадиган йигит у билан шу ерда танишиб қолди. Бу танишув дўстликка айланди. Дўстлик муҳаббатга етаклади. Улар бир йил давомида учрашиб турдилар. Уларнинг муносабатидан воқиф бўлган Авазнинг ота-онаси яхши ният билан тўй тадоригига киришишди. Ўғилларининг розилигини олиб, Моҳиналарникига совчи юборишга қарор қилишди. Бир-икки борилгач, қиз томон ҳам розилик билдирди.

Тўй ресторанда ўтди. Маҳаллада ўсган Моҳина кўп қаватли уйга, тўрт хонали хонадонга келин бўлиб тушди. Оилада қайнота-қайнонаси ва эридан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Авазнинг акаси алоҳида уй олиб чиқиб кетганди.

Ўзига ёрдамчи келганидан қувонган қайнона ошхона юмушларини, қозон-товоқни келинига топшириб қўйди. Аммо Моҳина овқат пиширишга нўноқ эди. Шўрва тайёрласа, ё тузи паст, ёки шўр бўлар, қуюқ овқат қилса, албатта тагига оларди. Келинининг пазандаликка уқуви йўқлигини билган қайнона олдинига индамади. "Ҳали ёш, ўрганиб кетар, билмаганини ўзим ўргатаман", деган фикрда бўлди. Аммо у янглишган эди. Келинига иш ўргатиш осон кечмади. Қайнонанинг ҳар бир насиҳати Моҳинага қаттиқ ботди, ҳақоратдек туюлди.

Бир куни у келинини олдига ўтказиб, навбатдаги насиҳатга киришди: "Болам, мана газ, мана иссиқ сув. Олдингиларга ўхшаб тезак, ўтин ёқиб ўтирмайсиз. Кирларингизни тўпламасдан, вақтида ювиб турсангиз яхши бўларди". Бу гап келинга маъқул тушмади. Уйига борганида: "Қайнонам кун бермаяпти", дея чақимчиликни бошлади. Қизининг арзини эшитган она авжига чиқди. "Ҳе, бети қурсин қайнонангни. Сени шундай шоҳона участкадан олиб, ўша каталак "дом"ига бериб қўйдик-ку! Яна нимани хоҳларканлар?"

У қудасини беандишаликда айблаб, бу ҳақда овсинларига сўзлаб берди. Улар ўз навбатида ёнига қўшиб-чатиб эрларига етказдилар. Шу йўсин қудалар ўртасига дастлабки совуқчилик тушди. Ва у тобора газак ола бошлади.

Ҳар бир ота-она фарзандини уйлантирар экан, келиннинг қўлидан чой ичишни орзу қилади. Карима опа ҳам катта ўғлини бошқа уйга кўчиргач, янги келинига катта умид боғлаганди. "Ҳар ҳолда ўзим билан бирга ишлайди-ку. Кўринишидан мўмин-қобил қизга ўхшайди. Келин бўлиб тушгач, қўлимдан ишимни олиб, оғиримни енгил қилар, ош-овқатни ўзи эплар",-деган умидда эди.

Аммо унинг орзу-умидлари сароб бўлиб чиқди. Келин тушганига бир неча ой бўлибди ҳамки, қайнона-қайнотадан барвақт туриб, уларга чой тайёрлашни хаёлига ҳам келтирмасди. Қайтанга қайнона келинига хизматчи бўлиб қолди. То ишга кетгунича эрталабки нонуштани ҳозирлаб, имкон топган пайтида иссиқ овқат пишириб қўярди. Кўпинча дастурхон тузаб, чойни дамлаб кутиб ўлтирарди. Келин чиқавермагач, эр-хотин нариданбери чой ичишиб, ишга отланишарди.

Бир йилгача Моҳинанинг бўйида бўлмади. Бир ёқда эр, бир ёқда қайнона-қайнота уни шифокорларга кўрсатиш билан банд бўлишди. Шундай кунлардан бирида ишдан қайтган Карима опа уйда келинини оғзидан кўпик чиқариб ётган ҳолда учратиб, қўрқувдан ўтакаси ёрилай деди. Яхши ҳамки, ўзи шифокор. Дарҳол муолажага киришди. Сўнг нима бўлганини сўраб-суриштирди. Келини гапирмаган бўлса-да, унинг ёнида ётган бўш дори идишга кўзи тушган Карима опа таҳликага тушди. Чунки бу "Нош-Па" дорининг идиши бўлиб, эрталаб ярмидан кўпроқ турганди. Наҳотки, келини унинг ҳаммасини ичиб юборган бўлса? Лекин у яхши билардики, меъёрдан ортиқ ичилган бу дори инсон организмини бўшаштириб, ҳалвиратиб қўяди. Агар идишдаги дорининг ҳаммасини ичиб юборган бўлса... Худо сақласин! Келинининг ҳолатидан бундай бўлмагани сезилиб турарди. Аммо ҳар эҳтимолга қарши ота-онасига хабар қилиш керак. У дарров эрини қудасиникига жўнатди.

Моҳина бир неча кунда тузалиб кетди. Аммо қуда томонда фисқу-фасод гаплар болалаб қолди. "Моҳина азбаройи қийналганидан жонига қасд қилибди", "Эри эшикни қулфлаб, кўчага чиқишига йўл қўймаганмиш", "Ейдиган нарсаси йўқлигидан куни нон-у қиёмга қолганмиш"... Бундай миш-мишлар кўпайган сари келин-куёв ўртасидаги совуқчилик орта борди.

Уйдаги енгил машина Авазнинг номида эди. Лекин уни акаси ҳам минаверарди. Аммо йиллар ўтиши билан эскириб бораётган автомобил сансолар бўлиб, оғирлик отанинг зиммасига тушарди. Шу боис эр-хотин маслаҳатлашиб, машинани аданинг номига ўтказишга қарор қилишди. Бу хабардан Моҳина орқали хабардор бўлган қуда томон тўнини тескари кийиб олди. "Куёвнинг нияти бузуқ. Хотини билан ажрашса, машина ҳақининг ярмигина унинг ихтиёрига қолишидан чўчиб, шундай йўл тутишган".

Моҳинанинг чақимчилиги, эрининг уйида бўлаётган ҳар бир гапни оқизмай-томизмай ота-онасига етказиб туриши, янгаларининг "фойдали" маслаҳатлари туфайли оила тинчлигига путур етмай қолмади. Келин-куёвнинг бир-бирига муносабати ўзгарди. Муомалалари ҳам терслашди. Келин яна уйига борди. "Куёвингизнинг менга кўнгли йўқ". Моҳинанинг бу гапни қуда томоннинг "куёв қизимизни қўйиб, бошқага уйланиш ниятида экан", деб хулоса чиқаришларига сабаб бўлди. Бу масалани энди жиддий муҳокама қилишга киришишди. Дастлаб саккиз киши бўлиб Авазнинг ишхонасига боришди ва уни кўпчилик орасида изза қилишди. Кейин уйларига олиб бориб, қистовга солишди.

Орадан икки кун ўтгач, қудаларининг уйига бостириб келиб, Моҳинани бу ердан олиб кетишларини маълум қилишди. Аваз ишда эди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ унинг ота-онаси ҳангу манг бўлиб қолишди. Чунки улар куни бўйи ишда бўлишар, ўғиллари билан келин орасидаги гаплардан хабарлари йўқ эди. Аваз ҳам ҳамма гапни уларга айтавермасди. Қудаларга гап уқтириб бўлмади. Улар бири олиб, бири қўйиб куёв шаънига ҳақорат сўзлар ёғдирганча ўзларининг ҳақликларини исботлашга ҳаракат қилишарди. Охир-оқибат келинни ўзлари билан олиб кетишди.

Авазнинг отаси масалага тушунгандек эди. Аммо қайнона-келин орасидаги келишмовчиликдан бошланган совуқчилик бундай даражага етишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Демак, энди ёш оилани сақлаб қолиш учун уларни бўлаклаб қўйиш лозим. У шундай қатъий қарорга келгач, бир неча кундан сўнг ўғлини бошлаб қудаларининикига йўл олди.

Улар қилмаган гуноҳлари учун қудалардан кечирим сўраб, келинни олиб кетгани келишганини билдиришди. Сўнгра ота ўз режасини айтиб, ёшларни маълум муддат ҳоли қўйишларини, уларнинг оилавий ишларига аралашмасликларини қуда томондан илтимос қилди. Келин уйга қайтарилди. Аммо орадан бир ҳафта ўтмасдан қудалар яна етти киши бўлиб, Авазларникига кириб келишди. Яна эски гаплар такрорланди. Бир марта ўз жонига қасд қилган Моҳина бу ишга яна қўл урмаслигига ким кафолат беради, деб туриб олишди. Хуллас, "кундан-кунга озиб кетаётган" қизларини бу ерда қолдиришнинг иложи йўқлигини важ қилиб, куёвлари ишдан қайтишини ҳам кутмасданоқ уни яна олиб кетишди.

Қариндош-уруғининг гапини икки қилолмаган Моҳина эрим яна ялиниб келади, деб умид боғлаганди. Аммо у ўйлагандек бўлиб чиқмади. Авазнинг йигитлик ғурури бунга йўл қўймади. Ота-онасининг илтижоларига ҳам кўнмади. Ярим йилдан кейин улар суд орқали ажралишди. Олдинига ҳазилдек туюлган бу ишнинг оқибатини келин кейинчалик ҳис этди. Аммо энди кеч бўлганди.

Моҳина кўз ёшларини артаркан, ўшанда ёшлик қилиб уйга гап ташиганда ота-онаси уни бу йўлдан қайтармаганига афсусланарди. Келинойилари нега унга ҳаёт, турмуш қийинчиликлари ҳақида, уларни енгиб ўтган аёлгина бахт кошонасидан ўрин олиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш бермасликларидан ўкинарди. Меҳрибон онаси ҳам ҳар борганида: "Қайнонанг нима деди, эринг нима қилди?" - деб сўраб-суриштириш ўрнига: "Болагинам, чиққан қиз чиғириқдан ташқари бўлади. Энди сен бу ердаги эркаликларингни йиғиштир. Борган жойинг сенинг асосий уйинг. Ўша ерга меҳр қўй, қайнота-қайнонангни ҳурмат қил, эрингни эъзозла", деб насиҳат қилганида балки турмуши бузилмасмиди? У ҳам кўз очиб кўрган эри билан умргузаронлик қилиб, бахтли яшаган бўлармиди?

Ўтган уч йил мобайнида у қилган номаъқулчилигига неча бор пушаймон бўлди. "Ёлғиз қизимизсан. Уйимизнинг тўри сеники", деб олиб келган онаси орадан кўп ўтмай ўзгариб қолди. Чекка-чеккада йиғлаб оладиган одат чиқарди. "Сени хўрлатиб қўймаймиз. Яна уйнинг эркаси бўлиб яшайверасан", дея кариллаган амакилари ҳам энди унга рўйи-хуш бермай қўйишди. Тўйдан кейиноқ ишидан бўшаб олган Моҳина қайтиб у ерга бормади. Қолаверса, яна қайнонасига рўбарў келишга унинг виждони чидамасди. Ҳеч қандай ҳунари бўлмагани учун бошқа бирор ишга жойлаша олмади. Эшикларини тақиллатиб, бирор ердан совчи ҳам келмади. У отасининг кенг ҳовлисида, уларнинг қўлига қарам бўлиб яшаб келмоқда.

Аваз бир йилдан кейин уйланибди, деб эшитган эди, рост экан. Бугун кўрди. Уни қўлтиқлаб турган аёлни кўз олдига келтираркан: "Кўҳликкина экан", дея оғир хўрсинди. Кўзларига ёш қалқди. "Нега ғайирлигинг тутаяпти. Ахир ўз бахтингга ўзинг завол бўлдинг-ку. Энди чида, тақдирга тан бер", деган ички нидо Моҳинанинг юрак-бағрини эзиб юборди...

**Бахтиёр МАНСУРОВ**

# "ЯХШИ ОЙИ" БЎЛАМАН...

**Қатра**

Гулнигор кичкинасини боғчага бериб, ўзи ҳам ишга қайтди. Энди эрта кетиб, кеч келишлар бошланди. Боласини боғчадан олиш мактабга эндигина кирган Ботиржонга, гоҳ дадасига юкланди. Кечки овқатни пиширгунча болалар ухлаб қоладиган бўлишди. Собиржоннинг фиғони чиқди:

- Аяси, сизнинг оладиган маошингиз бизга қимматга тушадиган кўринади. Яхшиси, топганимга шукр қилиб, болаларни катта қилиб олинг. Кейин ишлайверасиз...

- Нима, қориндан бошқа ғамимиз йўқми? Мен ҳам ўқиганман, ишлагим, чиройли кийиниб юргим келади. Қолаверса...

Эр-хотин ўртасидаги айтишувдан болалар уйғониб кетишди. Собиржон хотинига гап уқтириш бефойдалигини билиб, қўл силтаб кўчага отилди. Уйқуси чала бўлиб қолган қизалоқ ғингший бошлади. Энди Гулнигор авжига чиқди. Болаларни силтади. Улар қўрққанидан ўзларини яна кўрпа ичига олишди. Пишган овқат қозонда қолиб кетди. Собиржон ярим тунда ширакайф келди-да, ўзича нимадир деб ғўнғиллади. Гулнигор ҳам ётган ерида алланима,-деди. Эр-хотиннинг бир ҳафтагача арази ёзилмади. Ўртада болаларга қийин бўлди. На онадан, на отадан илиқ гап эшитишди. Эркалатишлар ўрнини силташлар олди. Бир куни ишдан келган Гулнигор уйдан ғўнғир-ғўнғир овозни эшитиб, аста қулоқ солди. Ўғли Ботиржон, қизи Раъно ўзича ота-оналарининг гап-сўзларини қайтариб, "ўйин" ўйнашарди.

- Йўқ, сен ўхшатолмаяпсан, ойим бақириб уришганларида қандай қўрқиб кетардинг? Демак, оналар ўшандай бўлишади.

- Йўқ, мен ойимга ўхшаган ойи бўлмайман. Мен бувимларга ўхшаган яхши ойи бўламан. Шунда дадалар ойиларни уришмайди. Ойилар - болаларини.

Гулнигор турган жойида тошдай қотди. Бир ҳафталик уриш-жанжал фарзандларининг тарбиясига қандай таъсир қилганини ўйлаб мум тишлади.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА**

Дил изҳори

# КЎНГИЛ ТУБИДАГИ ТОШ

Ҳозир ёшим қирқдан ошиб қолди. Учта фарзандим бор. Турмушимиздан ҳам нолимайман. Хўжайиним ҳар қалай ишбилармон одам, даромадимиз етарли. У нафақат рўзғоримизни эплаштиради, балки ўз жигарларининг яхши яшаши учун ҳам жон койитади. Онасининг ҳурматини баланд тутади ва ҳатто менинг жигарларимга ҳам ёрдамини аямайди. Мен ҳам қайнонамни онамдек яхши кўраман, уч қайним, икки қайнопам билан оқибатимиз яхши.



Бир сўз билан айтганда, бахтли аёлман. Аммо шахсий ҳаётимдан кўнглим тўқ бўлса-да, қалбимда бир тош борки, у ҳеч қачон эримайди. Бу ҳақда жуда кўп ўйлайман, аммо ҳеч кимга айтолмайман. Ахири исмимни ўзгартириб газетага ёзишга қарор қилдим. Чунки болалигимдан юрагимни кемириб келаётган бу дардимни кимгадир айтсам енгил тортадигандекман.

Биз оилада олти қиз, бир ўғил ўсдик. Англаганингиздек ўғил туғилавермагани учун олтита қиз дунёга келганмиз. Мен қизларнинг бешинчисиман, кейин укам, ундан сўнг яна қиз туғилган. Катта опамни исми Назира, кейингиси Фарида, учинчиси Ўғилой, тўртинчиси Улмоной. Мени эса Улбўсин деб аташган. Билмадим исмим сабабми, ёки Худонинг берганими, мендан кейин ўғил туғилган. Унинг исмини Худойберди деб аташган.

Хуллас, оиламизда ўғил туғилгани яхши бўлганку-я, бироқ унинг туғилиши учун биз қизларнинг исмимиз хунук бўлиб қолган-да. Мактабда ўқиб юрганимда синфдошларим исмимни айтиб, мазах қилишганида ўқишга боргим келмасди. Шу сабаб бўлганми, кейинчалик ҳам, ҳатто ҳозиргача бировга исмимни айтишга қисинаман.

Ҳаётим давомида жуда кўп ҳолатларда исмим панд берганини ҳам тан оламан. Лекин Яратганга шукрки тақдиримга бахтли турмуш битилган экан. Ширин фарзандлар берди. Уларга миллатимизнинг энг улуғ инсонларининг исмини бердик. Каттаси Темур, кейингиси Хуршидабону, кенжамизнинг исмини Муҳаммад Юсуфга ҳавас қилиб қўйганмиз.

Шундай қилиб, оилада бешинчи қиз бўлиб туғилганимни айтмоқчи эдим. Мен эсимни таний бошлаганимдаёқ доим: "Сенинг кимга керагинг бор эди", "Ўғил бўлиб туғилсанг ўлармидинг", деган гапларини эшитиб катта бўлганман. Ҳатто бир куни аммамнинг менинг туғилишимга боғлиқ "қизиқарли" ҳангомаларини бир уй хотинга айтиб бераётганларини эшитиб қолганман. Айтишларича, мен туғилганимда онамни отам туғруқхонадан олиб келмаган экан. Агар буниси ҳам қиз бўлса тўғри отангникига кетавер, менга ўғил туғиб берадиган хотин оламан деган гапларидан кейин онам ҳам касалхонадан қаёққа боришни билмай йиғлай-йиғлай бетоб бўлиб қолган экан. Ахири бувимлар уйга олиб келган эканлар. Мени шифохонадан уйга кириб келишим худди азахонага келингандек кайфият ҳукм сурган экан. Хуллас, менга ҳеч ким меҳр билан қарамаган, ўз ҳолимча катта бўлганмишман.

Мен туғилганимдан кейин отам ичкиликка бутунлай ружу қўйиб, ҳар куни уйда жанжал бўларкан. Шунинг учун бўлса керак онам ҳам менга яхши қаролмаганидан бир куни қаттиқ бетоб бўлиб қолибман. Шунда иссиғимнинг баландлигидан чўчиб кетган онам отамга дўхтир чақириш кераклигини айтганида: "Ўлса-ўлар, манов тўрттови ҳам етади", деб жавоб берибди. Шунда "увол бўлар", деб қўшнимиз чиқиб мени табобат йўли билан тузатган экан.

Бу гапларни айтаётган аммам суҳбати якунига етиб қолганида: "Ташлаганга тош тегмас деб шуни айтадилар-да. Мана шу синглимиз энди бир чиройли, бўй етган қиз бўлди. Қўлидан келмаган иш йўқ, совчиларини айтмайсизми..." Аммам бу гапларни келган совчиларга ҳам айтиб берарди, мен эса уларга қарши ҳеч нарса деёлмасдим. Фақат аламимни кўз ёшимдан олардим. Оилада болага ота-она қандай муносабатда бўлса бошқа яқинлари, атрофдагилар ҳам шундай муносабатда бўлишаркан. Болалигимизда доим опаларим ёки укам билан жанжаллашиб қолсак: "Сени ўзи керагинг йўқ эди..." деган гапни албатта айтишарди. Бу гапларга қанчалик хафа бўлишимни, мурғак қалбимда алланечук тушкунлик, руҳий синиш пайдо бўлишини ҳеч ким англамасди.

Ҳатто бир куни отам уч-тўртта ўртоқлар билан уйда ўтирганда мен чой олиб киргандим. Шунда ўртоқларидан бири мени: "Тилло қизим, мен шу қизингни келин қиламан", - деди. Мен ийманиб чиқиб кетаётганимда отамнинг гапи қулоғимга тарсаки тортгандек бўлди. У ўша ўртоғининг гапига жавобан: "Бу менинг қизиммас, ол сендан қалин пули ҳам олмайман, бу онасининг қизи. Шуниси-да, мен роддомдан олиб келмаган", - деди.

Хуллас, ана шундай гаплар билан улғайдим. Болаликнинг беғубор йиллари ўксик қалбимни овутиш билан ўтди. Шу сабаб бўлса керак бироз тортинчоқ, одамови бўлиб қолганман. Кейин мактабни тугатиб ўқишга кирдим. Опаларим ҳам турмушга чиқиб кетишди. Орзу қилган касбимга эришиб шифокор бўлдим. Туманимиздаги бир касалхонада ишлаётганимда беморлардан бири мени келин қилиш ниятини айтди. Бу онахоннинг ниҳоятда фариштали, оқила аёллиги менинг кўнглимга ҳам ўтирганди.

Ўғли билан учращдик. Шу аёл ёлғиз ўзи катта қилган ўғилнинг одоби, маданияти ва билимлилигини бир-икки суҳбатлашиб билиб олиш қийин эмас эди. Мен ҳам йигитга маъқул келдим шекилли турмуш қуришни таклиф қилди. Хуллас, тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Энди касбим билан бирга, оила деган муқаддас даргоҳни ҳам эплашим керак эди.

Вақти етиб она бўлиш бахти насиб этди. Таътилда бўлдим. Фарзандларим эсини таниб қолгач яна ишга қайтдим, илмий иш қилишга ҳам улгурдим. Толеимга шукрки, меҳнатимни орқасидан исмим хунук бўлса-да, Улбўсин Шавкатовна бўлиб танилдим. Бу орада укам ва синглим ҳам оилали бўлишди.

Аммо... биз "пуф-пуф"лаб, катта қилган укам яхши инсон бўлиб чиқмади. Бир эмас, уч марта оила қурди. Ҳар биридан биттадан фарзандлар бор. Ўзи ҳеч қаерда ишламайди. Ота-онамнинг пенсиясига кун кўради. Иккита катта опам яхши яшашади, аммо мендан олдингиси билан синглим ҳам ночор. Уларга доим қарашиб тураман. Жигарчилик экан, жим туролмайман. Укамни ҳам турмуш ўртоғим бир неча бор ишларга жойлади, қўллади. Бироқ ўзида бўлмаса қийин экан. Боқимандаликка ўрганиб қолган. Ич-ичимдан жаҳлим чиқса-да, ота-онамни ўйлаб, укамни ҳам таъминлаб турамиз. Кетган болаларига ёрдам бериб тураман. Ахир, уларда нима гуноҳ?..

Шу укамнинг тақдирига куйиниб ота-онам ҳам сиқилишади. Уларнинг кўнглини олай деб тез-тез бориб тураман, совғалар жўнатаман. Сиҳатгоҳларда даволатаман. Улар қаерга борсалар менинг ота-онам сифатида қадрланишади.

Аммо... ҳар гал улар мени қучоқ очиб кутиб олишганда, дардларини айтиб йиғлашганда, қилаётган ишларимдан суюниб дуолар қилишганда болалигимдаги ҳолатлар бир-бир кўз олдимдан ўтаверади ва бўғзимга нимадир тиқилади. Ҳаттоки ўша гапдон аммам ҳам менинг туғилишимга боғлиқ ҳангомани айтмай қўйган. Аксинча қаерга борса менинг аммамлигини бот-бот такрорлайди.

Азизлар, мен бу гапларни ёзиш билан ўзимнинг ота-онам, жигарларим, ёру дўстларга қилаётган ёрдамларимни миннат қилмоқчи ёки мақтанмоқчи эмасман. Фарзандлик ёки инсонийлик бурчимни бажараяпман холос. Ўша-ўша камсуқум, тортинчоқлигимни ҳамон йўқота олганим йўқ. Балки бу феълим мен билан кетар.

Буларни ёзишдан мақсадим эса орангизда қизлар кетидан туғилган мен каби "кераксиз" қизи бор инсонлар бўлса, болангизнинг қалбини билиб-билмай ўкситманг, демоқчиман холос. Унутманг, унинг жисмида беғубор қалби ҳам бор. Токи шу мурғак қалбга озор етмасин. Яратганнинг берганига ношукурлик қилманг. Фарзанднинг барчаси бир, уларни бирдек суйинг, меҳр кўрсатинг, чиройли исм, тўғри тарбия беринг. Уларнинг қай биридан роҳат кўришингизни билмайсиз, ахир буни ҳаёт дейдилар...

**Улбўсин.**

**Матлуба ШУКУРОВА ёзиб олди.**

## Ажаб ҳангомалар

### МЕРОСХЎР

- Дугонажон, сенга жудаям ҳавасим келади-да.

- Нимамга ҳавасинг келади бунчалик?

- Чунки, сен дадангнинг эрка қизисан-да. Кеча даданг сени кинога олиб кириб кетаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Қанийди, мениям шундай дадам бўлса эди.

- Вой, дугонажон-ей, бундай дада топиш ҳозир ҳечам муаммо эмас, жуда осон. Истасанг, бугуноқ сенгаям топиб беришим мумкин.

- Нималар деяпсан, гапларингга ҳечам тушунолмадим. Даданиям топиб бўларканми?

- Мени кинога олиб кирган киши дадам эмас, яқинда у киши менинг эрим бўлади, шу кишига турмушга чиқаяпман.

- Вой, ўлмасам, жинни-пинни бўлганмисан. Бу нима шармандалик. Бир оёғи бу ёқда бўлса, бир оёғи у ёқда бўлиб, узилиб тушадиган баргдай дириллаб турган чолнинг нимасига эрга тегаяпсан?!

- Нимасига бўларди, меросигада, дугонажон.

### ИМТИҲОНДАН ЎТГАН КУЁВ

Мулла: - Қани келин, куёв, менга яқинроқ ўтириб, гапларимга диққат билан қулоқ тутингизлар. Мен ўргатган гапларни такрорлаб, сўроқларга жавоб қайтаришларингиз керак. Хўш, куёв...

Куёв: - Жаноб мулла, нима ўргатиб, нима сўрасангиз, келинга ўргатиб, келиндан сўранг. Менга ўргатишингизнинг ҳожати йўқ. Мен сизнинг имтиҳонингиздан бундан олдин ҳам уч марта ўтганман.

### БЕФАРОСАТ

Келин эрталаб туриб, ташқарига чиқиб келгач, куёвга деди:

- Нариги хонада учта қиз бола ётиб қолишибди. Уларни бу ерда қолдириб кетишган оналарига ҳайронман, қандай бефаросат аёллар экан-а.

- У хотин бефаросатлиги учун ҳам бу уйдан кетди-да, жоним.

### ҲАММАНИКИ ЙИРТИҚ

- Келин болам, кўйлагингизнинг этаги йиртилиб кетибди-ку, бирон нарсага қоқилиб, илинтириб олдингизми? Анави қутичада игна, ип бор, тикиб ола қолинг.

- Илинтирганим йўқ, ҳозир мода ўзи шунақа.

- Модаман, деб йиртиқ кўйлак кийиб юрасизми, қўйинг-ей, одамлар уят қилишади, фалончиларнинг келини етишмовчиликдан йиртиқ кўйлак кийиб юрибди, деб.

- Куюнманг, ҳозир куладиган, уят қиладиганнинг ўзи йўқ, ҳамманики йиртиқ.

**Нормамат ТОҒА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Косон шаҳри.**

**Эркакларнинг териси аёлларникига нисбатан секинроқ қарийди**

# ХУШРЎЙЛИК ҲАММАГА КЕРАК

***Агар сизга эркаклар ва косметика воситалари бир-бирига мос келмайдиган тушунчалар дейишса, бу фикрга қўшилишга шошилманг. Замонавий эркаклар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида олдинги сафда юриш учун яхши кўринишга эга бўлиш лозимлигини яхши билишади. Эркаклар косметика воситаларини танлаш, уларни меъёрида сақлаш ва фойдаланишнинг сирлари нимада? Келинг, шу ҳақда суҳбатлашайлик.***




### ТЕРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Эркаклар териси ҳам худди аёллардаги каби қуруқ, ёғли ва меъёрдаги бўлади, яллиғланиши, шишиши, йиллар ўтиши билан қариши, ташқи таъсирларга нисбатан таъсирчан бўлиши ҳам табиий ҳол. Аммо физиологик нуқтаи назардан у аёллар терисидан маълум фарқли жиҳатларга ҳам эга. Эркаклар териси қалинроқ, эгилувчанлиги ва қайишқоқлиги юқорироқ, шунингдек намликни яхши сақлайди. Қолаверса, эркаклар баданида туклар, ёғ ва тер безлари ҳам нисбатан кўп бўлишини ёддан чиқармаслик керак. Шу боис эркакларнинг териси кўп ҳолларда қуруқ ва катакчалари кенгроқ, тананинг айрим қисмлари, хусусан, ияк ва ёноқларда эса жуда қуруқ ва тиришиб қолгандек таассурот уйғотгандек бўлади.

Эркаклар териси аёлларникига нисбатан секинроқ қариши, аммо уларда ажинлар чуқуррроқ ва яққол сезилиб турадиган бўлиши аниқланган. Ҳар куни ёки тез-тез соқол қиртишлаб туриш ҳам терининг ҳимоя функцияларини сусайтириб, уни қуруқлаштириб, тириштириб юборади.

### СОҚОЛ ҚИРТИШЛАШ? АЛБАТТА ҲАР КУНИ

Аксарият эркаклар соқол қўйишмайди, шу боис уларнинг куни соқол қиртишлашдан бошланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, эркакларга хос махсус гормонлар боис уларнинг териси аёлларникига қараганда чидамлироқ бўларкан. Аммо ўз навбатида гормонлар соқол қиртишлаш кўпчилик эркаклар учун кундалик стресс, доимий ёқимсиз машғулот эканининг сабабчисидир, дейишади мутахассислар. Шу боис баъзи эркаклар ярим ҳазил, ярим чин тарзида: "Ҳар куни соқол қиртишлагандан бир марта бола туққан яхшироқ", дейишади. Табиийки, стрессни йўқотишга, соқол қиртишлаш жараёнининг ёқимли кечишига терини ва тукларни юмшатувчи махсус крем, кўпик ёки гель ёрдам беради. Табиийки, уларни терининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб танлаш керак.

Терингиз қуруқ ва таъсирчан бўлса, таркибига минераль воситалар кўп учрайдиган сув, каритэ, жожоба, авокидо мойи кабилар қўшилган юмшатувчи ва терининг куйгандек ачишиб оғришининг ҳамда тиришиб қолишининг олдини олувчи майин воситалардан фойдаланганингиз маъқул. Бундай кўпикланувчи воситаларнинг қадоқ идишига албатта "Таъсирчан терилар учун" деб ёзиб қўйилган бўлади. Таъсирчан тери учун мўлжалланган соқол қиртишлаш кўпигига одатда аллантоин ва алоэ қўшилади. Улар таъсирида юз териси майин, юмшоқ ва соғлом бўлади.

### СОҒЛОМ ТЕРИ УЧУН

Одатда соқол қиртишлагандан сўнг тери қизариб, тиришиб қолмаслиги, унда сезилар-сезилмас ёриқлар пайдо бўлмаслиги учун махсус лосьон ёки бальзам билан яхшилаб ишқалаш, уқалаш тавсия этилади. Улар таркибида мавжуд бўлган мойчечак, календула, алоэ каби доривор гиёҳлар экстрактлари, табиий мойлар, намлантирувчи, юмшатувчи ва тўйинтирувчи воситалар(А, Е, С, В5 дармондорилари, сув ўтлари экстрактлари) нафақат терини юмшатади, балки унга антисептик таъсир кўрсатиб, соқол қиртишлаш жараёнида терида пайдо бўлган ёриқларни битиришга ҳам хизмат қилади. Аксарият лосьонлар таркибида спирт кўп бўлганлиги боис уларнинг антисептик таъсир хусусияти ҳам юқори бўлади. Аммо юз терингиз қуруқ ва таъсирчан бўлса, бундай воситалардан фойдаланмаганингиз маъқул. Улар терини қичиштириши ва шўралашига(пўст ташлашига) сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда сизга махсус кремлар ва таркибида алькогол бўлмаган лосьонлар(бу ҳақда уларнинг қадоқ идишида махсус ёзув бўлади) мос келади, чунки улар терини юмшатиш, намлантириш ва тинчлантириш хусусиятига эга. Бир нарса ёдингизда турсин, мабодо терингиз ёғлик бўлса, сизга бирорта ҳам намлантирувчи воситадан фойдаланиш тавсия қилинмайди. Чунки улар терида тошмалар тошишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай тери соҳибларига таркибида спирт бўлган, дезинфекция қилиш хусусиятига эга лосьонлар, шунингдек турли тинчлантирувчи воситалар кўпроқ мос келади.

Агар фойдаланаётган воситаларингизнинг самараси ва фойдаси янада юқори бўлишини истасангиз, соқол олишдаги кўпикланувчи восита ва ундан кейин суртиладиган крем ёки лосьоннинг битта фирма маҳсулоти бўлишига эътибор қаратинг. Одатда, бундай воситалар бир-бирини тўлдириш хусусиятига эгалиги билан ажралиб туради. Қолаверса, таркибининг ўзаро мослиги жиҳатидан ҳам уларнинг фойдалилик даражаси янада ортади.

### ЭРТАЛАБДАН КЕЧГАЧА

Худди аеллар териси каби эркаклар териси ҳам кундалик муолажага эҳтиёж сезади. Шу туфайли зиқналик қилмай махсус юмшатувчи таркибга эга бўлган бир неча хил ювиниш воситалари ҳам харид қилинг. Улар ҳеч қачон терининг ҳимоя қатламини емирмайди, сув таркибида учровчи ҳамда теридаги майда катакчаларга тўлиб қолувчи турли қўшилмалар билан реакцияга киришмайди.

Агар сиз ювингандан сўнг терининг қуришиб ва тортилиб қолишига сабаб бўлмайдиган суюқ совун ёки гель сотиб олсангиз, яна ҳам яхши.

Бундан ташқари эркакларга терида қон айланишини яхшилаш, ортиқча ёғларни, қуриб қолган тери қатламларини олиб ташлаш учун махсус скраб(терини тозаловчи махсус восита) ҳам керак бўлади. Ҳафтасига 1-2 марта терини тозаловчи воситага қўшимча равишда скрабдан ҳам фойдаланиб туринг. Скраб тери юзасида тукларнинг пайдо бўлишининг ҳам олдини олади.

Аксарият эркаклар кундузги кремлардан фойдаланишни ёқтиришмайди. Уларнинг фикрича, бундай воситалар фақат аёллар учун мўлжаллангандир. Аммо улар хато қилишади. Нафақат аёллар, балки эркаклар терисига ҳам кун давомида қуёшнинг ультрабинафша нурларидан, шамол, совуқ кабилардан ҳимоя зарур бўлади. Шу боис соқол қиртишлагандан сўнг лосьон ишлатадиган эркакларга кундузги крем айниқса кўпроқ кераклигини айтиб ўтишимиз лозим.

### ДЕЗОДОРАНТСИЗ ИЛОЖИ ЙЎҚ

Кучли жинс вакиллари ҳисобланмиш эркакларга керак бўладиган косметика воситаларидан яна бири дезодорантдир. Дезодорантлар шарикли гель ва суюқ шаклларда ишлаб чиқарилади. Энг муҳими худди атир каби дезодорант ҳам эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида ишлаб чиқарилишидадир. Бу ўринда гап уларнинг ҳидида ҳам эмас. Шуниси борки, эркакларда терлаш тизими аёлларга нисбатан кучлироқ ишлайди, шу боис улар учун мўлжалланган дезодорантлар таркибига антибактериал воситалар кўпроқ қўшилади.

Бизнинг иссиқ иқлимимизда оёқ ва туфли учун мўлжалланган махсус дезодорантлар ҳам эсдан чиқмагани маъқул. Улар оёқ терлашини сезиларли даражада камайтиради, ёқимсиз ҳиддан, демакки, турли жойларга борганда ноқулай аҳволга тушиб қолишдан асрайди. Бундай воситаларни одатда парфюмерия дўконлари ёки оёқ кийимлари билан савдо қилувчи махсус дўконларнинг алоҳида бўлимларидан топиш мумкин.

### СОЧ ЭМАС БУ...

Ниҳоят, эркаклар косметика қутисида бўлиши талаб этиладиган яна бир туркумни соч парваришида ишлатиладиган воситалар ташкил қилади. Имкон қадар тез-тез қўллаш мумкин бўлган юмшоқ таъсирли шампунлардан фойдаланган маъқул.

Аёллардан фарқли равишда эркакларни кўп ҳолларда соч тўкилиши муаммоси ташвишга солади. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Хусусан, эркаклар танасида жинсий гормонлар(андрогенлар)нинг меъёридан ортиб кетиши, стресс, темир моддаси танқислиги, юқумли касалликлар соч тўкилишига олиб келадиган сабабларнинг айримларидир. Шу боис сочингиз меъёридагидан ортиқ тўкилаётганини сезиб қолсангиз, соч тўкилишига қарши ҳамда унинг илдизини мустаҳкамлаш учун қўлланиладиган махсус ниқоб ва бальзамлардан фойдаланишни маслаҳат берамиз. Бундай воситалар таркибида (улар эркаклар косметика воситалари ишлаб чиқарадиган деярли барча фирмалар томонидан таклиф этилади) турли ўсимлик экстрактлари, дармондорилар, микроэлементлар мавжуд бўлади. Афсуски, соч тўкилиши наслий сабаб билан боғлиқ бўлса, бундай воситаларнинг бирортаси ҳам ёрдам бера олмайди.




Соч учун мўлжалланган гель ҳар қандай соч турмагини, унинг узун ёки калталигидан қатъий назар, кун давомида бирдай чиройли шаклда ушлаб туриш имконини беради. Аммо бир нарсани ёдда тутинг, калта қилиб кесилган сочлар учун тароққа бир томчи гелни томизиб, бош терисига теккизмаган ҳолда тараш кифоя.

Эркаклар аксарият ҳолларда аёллардан фарқли равишда қазғоққа унчалик ҳам эътибор беришмайди. Сочнинг, костюм елка қисмининг доим оппоқ бўлиб туриши уларни кўп ҳам ташвишга солмайди. Яхшиямки, кейинги вақтларда бундай эркаклар сафи торайиб бормоқда. Аксарият ҳолларда сочда қазғоқнинг пайдо бўлиши ва йўқотишнинг иложи топилмаслигига нотўғри парвариш, яъни мунтазам равишда ёки узоқ вақт мос келмайдиган шампундан фойдаланиш, сувнинг ўта иссиқлиги, доимий равишда фен ишлатиш сабаб бўлиши мумкин. Чунки улар бош терисини яллиғлайди ва тўқималарга янгиланиш пайти келганлиги ҳақида "кўрсатма" беради. Бошингизда оппоқ "қор парчалари" пайдо бўлдими? Биринчи галда қазғоққа қарши махсус шампун сотиб олинг. Уни юмшоқ таъсир этувчи шампун билан навбатлаштириб ишлатиш лозим. Яъни бир сафар қазғоққа қарши, кейинги гал эса юмшоқ таъсирли шампунда соч ювиш керак. Сочни ҳеч қачон, хатто жуда шошиб турган пайтингизда ҳам фен билан қурита кўрманг. Унинг иссиқ ҳаво оқими соч учун зарарлидир.

Агар бир ой ичида ижобий ўзгариш кузатилмаса, демак қазғоққа замбуруғли инфекция сабаб экан. Ундан қутулиш ҳам қийин иш эмас, аммо бу ҳолда олдин шифокор билан маслаҳатлашиб олган маъқул.

Соч меъёридагидан ортиқ тўкилаётган бўлса, шифокорлар ҳафтасига икки марта доривор гиёҳлар йиғмасидан тайёрланган махсус қайнатма билан ювишни тавсия қилишади. Қайнатмалар қуйидагича тайёрланади:

➔ Қариқиз илдизи, доривор календула гуллари ва қулмоқ ғуддачалари 4:4:3 нисбатида аралаштирилади. Аралашмадан 60 грамминиng устига қайнаб турган бир литр сув қуйиб, 15 дақиқа паст оловда қайнатинг. Сўнг тиндириб, сузиб оласиз.

➔ Қичитқи ўт барглари ва змеевик (илон пўстига ўхшаган минерал) илдизи тенг миқдорда аралаштирилади. 3 ош қошиқ аралашмани 6 стакан сувда қайнатасиз. Сўнг сузиб олиб, қайнатма билан бошингизни ювинг.

➔Агар бош териси шўраласа (пўст ташласа), уни ювган-ювмаганингиздан қатъий назар ҳафтасига икки-уч марта пахтали тампон билан қуйидаги тиндирмалардан суртиб туринг:

➔ Қора ва шунга яқин тусли сочлар учун – пиёз пўсти ва сувни 1:10 миқдорда аралаштириб тайёрланган тиндирма;

➔ Ёрқин рангли сочлар учун эса–мойчечак гули тиндирмаси.

**ДАРМОН тайёрлади.**

Соғлигингиз бойлигингиз

# Уйқудан куч олинг!

**Тунда тўйиб ухлаш бизнинг жисмоний ва руҳий қувватимизни тиклаб, кундузи тетик ва бардам юришимизни таъминлайди. Мириқиб ухлаб, ширин тушлар кўриш учун оддий ва ҳамма бажариши мумкин бўлган қуйидаги маслаҳатларимизга амал қилсангиз бас. Бу усуллардан бизнинг боболаримиз ва бувиларимиз ҳам фойдаланишган.**



### УЙҚУСИЗЛИККА ҚАРШИ...

Уйқусизликдан фориғ қиладиган анчагина гиёҳлар бор бўлиб, уларнинг баъзиларини белгиланган вақтида, танаффус билан ичиш тавсия этилади. Агар асабийлашиш оқибатида ухлай олмаётган бўлсангиз лимонўтдан (мелисса) чой ичинг ва оёқларингизга ванна қилинг. Уйқу билан боғлиқ доимий муаммоларни йўқотиш учун эса қуйидаги гиёҳлардан 3-4 ҳафта давомида чой дамлаб ичинг. Сўнг камида 2 ҳафта танаффус қилинг.

➔ Одатдаги уйқусизликда кўпроқ қулмоқ ғуддачалари (шишки хмеля) ва унинг яшил поялари тавсия этилади. Қулмоқ ғуддачаларини туйиб, пичоқ учида (бу 2-2,5 граммни ташкил қилади) ёки 2 ош қошиқ ғуддачалар устига 1стакан қайноқ сув қуйиб, 4 соат тиндириб қўйилади. Кунига кечқурун 1 стакандан ичилади.

➔ Қулмоқ ғуддачалари, далачой, (зверобой) лимонўт (мелисса) барглари ва валериана илдизидан тенг миқдорда олинг. Гиёҳлар аралашмасидан 2 ош қошиғи устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, 15 минут дамлаб қўйинг. Сўнг сузгичдан ўтказиб, кун давомида оз-оздан ичиб юринг.

➔ 50 грамм шивит (укроп) уруғи устига 0,5 литр кагор ёки вино қуйиб, паст оловда 20 минут қайнатинг.Сузиб олиб, ҳар куни уйқудан олдин 1,5-2 ош қошиқдан ичинг.

➔ Ўринга чўзилгач, оғзингизга 1 ош қошиқ асал ва 1 ош қошиқ кагор ёки яхши винодан солиб, ютмасдан анчагача тутиб туринг-да, кейин ютиб юборинг. Бу усул дарҳол ухлаб қолишингизга ёрдам беради.

➔ 1 чой қошиқ қуритилган апельсин пўчоғи ва 1 чой қошиқ лимонўт гиёҳи устига 1 стакан қайноқ сув қуйинг. Ўраб қўйиб, 10 минут тиндиринг.Сўнг дорихоналарда сотиладиган валериана настойкасидан 1 чой қошиғини аралаштиринг.Ушбу аралашманинг 1 стаканини кечқурун табиий асал билан истеъмол қилинг.

➔ Оёқларингиз учун валерианали ванна қилинг. Бунинг учун тоғорадаги сувга 1/2 шишачадаги валериананани аралаштириб, оёқларингизни 20 минут тиқиб ўтиринг.

### РУҲИЯТИМИЗ СИРИНИ ОЧАМИЗ...

Агар сиз ҳар доим алоқ-чалоқ тушлар кўриб, босинқирасангиз, демак, руҳиятингизда жиддий муаммо пайдо бўлган. Агар тушингизда аниқ бир воқеа-ҳодисалар кирса, буни яқин одамингизга айтинг. Унинг сизга ғамхўрлиги, меҳрибонлик қилишидан хотиржам тортасиз.Агар бу ҳам ёрдам бермаса унда, руҳшуносга мурожаат қилинг.

Агар босинқирашингиз сабабини билмасангиз, уйғонгач, кўрган тушингизни барча тафсилотлари билан қайтадан эслашга уриниб кўринг. Тушингиздаги ваҳимали ҳодисаларни яна бир марта ҳис этишдан чўчиманг. Худди шу эслаш ваҳимага нима сабабчи бўлганини аниқлашга ёрдам беради.

Сиз ўз муаммоингиз, ўзингизни нима безовта қилиб келаётгани ҳақида ўйлаб кўринг. Айнан ўша муаммога бор фикрингизни йўналтириб, бор тафсилотлари билан хаёлан чизинг. Сўнг кўз олдингизга келтирган манзарани оқ қоғозга туширинг. Ўша варақни кечқурун ёстиғингиз остига қўйиб, ухланг. Тушингизда эса айнан шу муаммони қандай қилиб ечиш кераклиги сизга аниқ аён бўлади. Агар тушингизда кайфиятингиз яхши ва хотиржам бўлсангиз, муаммонгиз ижобий ҳал бўлади. Мабодо тушингизда безовта бўлиб, бирор кўнгилсизликни ҳис қилсангиз унда муаммонгиз ҳаливери сизнинг фойдангизга ҳал бўлмайди.

### ХУРРАК ТОРТМАЙ, НАФАС ОЛИНГ!

Бурун ва халқумдаги ҳар қандай шишлар хурракка сабаб бўлади. Мушакларнинг бўшашиб кетишига чекиш, ичиш, ортиқча вазн, бевақт ва ноқулай ёстиқда ухлаш боис хуррак пайдо бўлади. Турли соғломлаштирувчи муолажалар - томоқни ювиш ва чайиш, парҳез қилиш ва турли жисмоний машқларни бажариш билан хуррак даволанади.

Халқ табобатида эса хурракнинг олдини олиш ва даволашда чакандадан (облепиха) ёғидан фойдаланилади. Чаканда ёғи уйқуга ётишдан 4 соат олдин ҳар бир бурун катагига бир неча томчидан томизилади. Бу муолажа 2-3 ҳафта давом эттирилади. Шунингдек, муолажа нафас олиш йўлларидаги касалликларни ҳам даволаб, нафас олишни нормаллаштиради.

Бурун ва томоқ шиллиқ қаватидаги шишни ош тузи аралашмаси - намакоб билан йўқотиш мумкин. 1 чой қошиқ ош тузи 1 стакан қайнатиб совутилган сувда эритилади. Уч-тўрт қават қилиб буклангaн докадан ўтказиб, сузиб олингач, бурунга томизилади. Тузли эритма бурун орқали томоққа ҳам тушиши керак.

**Уйқудаги хурракни тезда йўқотадиган парҳез эса қуйидагича:**

Уйқуга бир вақтда ётиб, бир вақтда туринг. Уйқу пайтида бош салгина баланд бўлиши кераклигига аҳамият беринг. Ўринга ёнбошингиз билан ётинг. Шундай қилсангиз уйқунинг биринчи соатларида хуррак отмайсиз ва бу билан оила аъзоларингизнинг ухлаб қолишига ёрдам берган бўласиз. Меъёрида жисмоний машқлар бажариш ва ухлашдан олдин тоза ҳавода сайр қилиш жуда фойдали. Парҳез пайтида истеъмол қилаётган туз миқдорига эътибор беринг. Ёғли ва оқсилли озиқ-овқатларни иложи борича камроқ истеъмол қилинг. Зарурат туғилса бироз озинг, шунда хуррак отиш хавфини икки баробар камайтирган бўласиз. Агар оқсилли ва углеводли таомларни кўп истеъмол қилишдан танангизда шиллиқ кўпайиб, тез-тез шамоллайдиган бўлсангиз... Гўшт ва картошкадан воз кечинг. Тушлик пайтида нон емаганингиз маъқул. Бу эса нафас олиш йўлларингизни шиллиқдан тозалаб, хурракни камайтиради. Уйқудан олдин ҳеч нарса еманг. Кечки овқатни уйқуга ётишдан камида уч соат олдин истеъмол қилинг. Кечқурунги таом эса кўпроқ сут-қатиқ маҳсулотлари, мевалар, сабзавотли салатлардан иборат бўлсин. Оз-оздан ейишга ўрганинг. Тўйиб овқатланишдан воз кечинг.Овқатдан 15-20 дақиқа олдин 1 стакандан, кун давомида эса бир-неча стакан сув ичишга одатланинг.

### ҚУВВАТ МАНБАИ

Тана уйқу пайтида зарур куч-қувват олиши учун баъзи нарсаларга, яъни, ётоқхона, ўрин-кўрпа ва ўзингизга эътибор қилинг. Ухлашга тайёрмисиз? Ана шу масалада сизга берадиган маслаҳатларимиз жуда оддий бўлиб, сизни уйқусизликдан халос қилиб, тиниқиб ухлашингизни таъминлайди.

➔ Уйқуга ётишдан олдин ётоқхона деразасини бироз очиб қўйинг. Илиқ душ қабул қилинг. Табиий матолардан тайёрланган ўрин-кўрпада ётинг. Пардаларни туширинг, телевизор ва мусиқани ўчиринг. Сўнг ўринга киринг. Салқинлик, сукунат ва қоронғилик - тунда сизнинг танангизга зарур нарсалар шулар, холос. Ётоқхона ҳавоси қуруқ бўлмаслиги лозим. Қишда ётоқхонангизга сув тўлдирилган идиш қўйиб қўйганингиз маъқул.

➔ Соат 12 гача ётишга ҳаракат қилинг. Чунки бобо-бувиларимиз ярим тунгача бўлган 1 соатлик уйқу соат 12 дан кейин бўлган 2 соатлик уйқу билан тенг, деб бекорга айтишмаган. Кеч соат 7-8 лар атрофида ухласангиз, эртасига кун бўйи ўзингизни тетик ҳис қиласиз. Ўртача 6 соатдан кам кам, 10 соатдан кўп ухламаслик керак.

➔ Уйқуга ётишдан олдин ярим соатча тинчлантирувчи сокин мусиқа тингланг ёки табиат кўриниши акс эттирилган дискларни томоша қилинг. Шунингдек, тоза мумдан тайёрланган шамлардан ёқиб қўйишингиз мумкин. Уйқудан олдин телевизор кўрмаганингиз маъқул. Чунки мия тун бўйи кўрилган киноларни аралаштириш билан банд бўлади. Бу эса тинч ухлашга халал беради.

➔ Ўринга ётишдан, дам олишдан роҳатланинг. Бунинг учун ётоқхонангиз майин рангларга бўялган бўлиши керак. Кўрпа-ёстиқларни эса мовий, оч яшил, пушти ранглисидан танланг. Уйқусизликдан қийналсангиз, қора ранглиларидан фойдаланинг.Караватни шундай қўйингки, у кўзгуда акс этмасин. Ётоқхона деворларига китоб полкалари, шкафлар осиш тавсия этилмайди. Бу киши руҳиятига таъсир қилади, уни сиқиб юборади.

➔ Агар ухлай олмасангиз изтиробга тушманг. Хоналарда сайр қилинг, китоб ёки журнал варақланг. Идиш-товоқларни ювинг ёки йиртиқ пайпоқларни яманг. Ана шундагина тезроқ ухлаш истаги пайдо бўлади.

### ХУРРАКНИ ЙЎҚОТИШ УЧУН...

➔ Бўйин, лаб ва халқум танглайдаги юмшоқ пардани зўриқтирган ҳолда кунига 2-3 мартадан то 25-30 мартагача "И" ҳарфини такрорланг. Бу машқни овқатланишдан олдин 1 ой давомида (ёки 2 ҳафта давомида) бажаринг. Бу машқ мушакларни ва танглайдаги юмшоқ пардани мустаҳкамлайди.

➔ Ёпиқ оғиз билан тил тубини иложи борича қаттиқроқ тортинг. Бироз шу ҳолатда турганингиздан сўнг, яна аввалги ҳолга қайтиб, бўшаштиринг. Бу ҳаракатни аввал 3-6 марта, сўнг 20-30 мартагача такрорланг. Сўнг бу машқни оғзингизни катта очган ҳолда бажаринг.

➔ Иягингизга кафтингизни қўйиб, орқага-олдинга қарата чўзинг. Бу машқни бажараётган пайтингизда кафтингизни қаттиқ босиб иякнинг ҳаракатига халақит бераётгандек бўлинг.Ушбу машқни эрталаб ва кечқурун 30 мартадан бажаринг.

➔ Эрталаб ва кечқурун тилингизни иложи борича олдинга ва пастга чўзинг. Тилингизни олдинга чўзгач, шу ҳолатда 1-2 лаҳза туринг. Бу машқни 30 марта бажаринг.

➔ Ҳар куни уйқуга ётишдан олдин тишларингиз билан ёғоч ёки пластмассадан ишланган таёқни тишланг. Уни шундай тишлангки икки учи лабларингиз четидан чиқиб турсин. Бу машқ халқумдаги ютиш мушакларини мустаҳкамлайди. Айниқса, машқни бажаришдан кейинги ярим соат ичида тез ухлаб қолиш имконияти пайдо бўлади.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди**




**744** **Ёшим 47 да.** Асли тошкентликман. Ажрашганман. Қизимнинг уй-жойим бор. Ишлайман. Оиламни моддий томондан таъминлай оламан. Жиддий ва меҳрибон эркакман. 38 ёшгача бўлган, қаердан бўлишининг фарқи йўқ, фарзандли бўлса ҳам майли, келишган, ораста бир аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Фарҳод**

**745** **Ёшим 55 да.** Тошкент шаҳрида ўз уйимда, ўғлим билан яшайман. Аёлим қазо қилган. Болаларимдан қутулганман. Ҳаммаси уй-жойли. Моддий таъминланган, бадавлат оила бошлиғиман. 45-50 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, бир кичик қизчаси бўлган, ораста ва оқила аёл билан танишиб турмуш қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Аҳрор ака**

**746** Асли тошкентликмиз. Уйланмаган, **33 ёшли ўғлим бор.** У ичмайди, чекмайди. Оддий ишчи бўлиб ишлайди. Ўз ҳовлимизда она-бола иккимиз яшаймиз. 24 ёшгача бўлган, рус ёки ўзбек, (миллатидан қатъий назар) камтар, сабру тоқатли, уйим-жойим дейдиган, меҳнаткаш, оқила ва одобли қизни келин қилмоқчиман.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Мадина опа**

**747** **Ёшим 33 да,** тошкентликман. Жиддий сабабга кўра ажрашганман. Ишлайман, уй-жойлиман. Саранжом-саришталикни ва уйдаги шинамликни ёқтираман. 40 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, жиддий, оилани қадрлайдиган, диёнатли, меҳрибон эркак билан танишиб, турмушга чиқмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилноз**

**748** **Ёшим 35 да.** Тошкент шаҳрида, ота-онам билан яшайман. Маълумотим олий. Ишлайман. 40 ёшгача, Тошкент шаҳрида яшайдиган, ўзининг уй-жойи бўлган, олий маълумотли, ишлайдиган, олижаноб ва диёнатли эркак билан оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Атиргул**

**749** **Ёшим 31 да.** Ажрашганман. Тошкентликман. Ҳозир уйда, қизчам тарбияси билан бандман. Уй-рўзғор ишларини жойига қўя оламан. Озодаликни, шинамликни ёқтираман. 36-38 ёшгача бўлган, уй-жойли, ишлайдиган ёки бирор ҳунари бор (аёли вафот этган) эркак билан оила қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилоро**

**750** Асли тошкентликмиз. Қизимнинг **ёши 31 да.** Ҳали турмушга чиқмаган. Олий маълумотли, яхши жойда ишлайди. Қўлидан чеварлик, пазандачилик ҳам келади. Яна бошқа кўпгина ҳунарлари бор. Бўй-басти келишган, кўркам ва одобли қизимнинг бахтли бўлишини жуда ҳам истаймиз. 35-38 ёшгача бўлган, олий маълумотли, ишлайдиган, уй-жойли, яхши хонадоннинг фарзанди ёки узрли сабаблар билан ажрашган йигит бўлса куёв қилган бўлардик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Гулбаҳор опа**

**751** **Ёшим 37 да.** Жиззахликман. Лекин Тошкент шаҳрида ишлайман. Ўз уйим йўқ. Маълумотим олий. Нуфузли жойда ишлайман. Бир ёшли ўғлим бор. 50 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида уй-жойи бўлган, меҳрибон, ўғлимга оталик қиладиган инсон билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилфуза**

**Оила бўлими телефони: 233-04-50**

**752** Асли қашқадарёликмиз. **38 ёшли** аммам бор. Фарзандсизлик боис ажрашган. Зиёли оиланинг фарзанди. Қўлидан бичиш-тикиш келади. Бундан ташқари рўзғордаги барча юмушларни қойилмақом қилиб бажаради. Моддий таъминланган, тадбиркорлик билан шуғулланади. Жиддий, ораста ва келишган аёл. 45 ёшгача бўлган, уй-жойли, олий маълумотли, зиёли эркак бўлса турмушга чиққан бўлар эди.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Гунафша**

**753** Қашқадарёликмиз. Акамнинг **ёши 28 да.** Аёли билан фарзандсизлик туфайли ажрашиб кетишди. Катта ҳовлимизда ота-онам билан яшайди. Оилани моддий томондан бекаму кўст таъминлайди. Нуфузли ташкилотда ишлайди. 20-25 ёшгача бўлган, иболи, хушмуомала, ўқимишли ва ораста бир қизни келин қиламиз.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Али**

**754** Тошкент вилоятиданмиз. Синглимнинг **ёши 28 да.** Ажрашган. Бир қизи бор. Ишлайди. Тошкент ёки Бекобод шаҳрида яшайдиган, уй-жойли, ичмайдиган, чекмайдиган эркакни куёв қилишни истардик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Мастура опаси**

## «ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

***Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам, ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.***

# БИР КУНИ БАХТЛИ БЎЛАСИЗЛАР!

**755**

Хонамга кирган истараликкина жувон, аввал қўлидаги сумкасидан уч-тўрт ёшлардаги дўмбоққина ўғил боланинг суратини олиб кўрсатгач, гап бошлади:

- Исмим Шаҳло. **Ёшим 30 да.** Сирдарё вилоятидан келдим. Мана шу боламни деб, бошимга не-не ишлар тушмади?Туғилгандан сўнг анчадан кейин дийдорини кўрдим. Эрим олис жойга ишлашга кетгач, қайнона-қайнотам билан қолгандик. Унда ҳали болам туғилмаганди. Қайнонамнинг қўли ҳам, тили ҳам жуда узун эди. Эҳтимол уччала ўғли ҳам шунинг учун уйдан олисга кетиб қолишганми?.. Тўйимиздан кейин мен уларниннг хизматини қилиб юравердим. Эрим уч ой-тўрт ойда бир келарди...

**- Сиз бунга рози эдингизми?**

- Нима ҳам қилардим? Қайнонам: "Эрингиз пул ишлаб келсин-да. Қачонгача сизларни боқамиз? Эрингиз пул олиб келса, бўлак қилиб чиқариб юбораман. Ўз кунингизни ўзингиз кўриб юраверасизлар...", - дерди. Хуллас, ой куним етганда сал олдинроқ туғруқхонага бориб ётдим. Тўлғоқ бошланганда хушимни йўқотдим. Кўзимни очганимда бир четдаги палатада ётар, мадорим йўқ эди. Аҳволим оғир, боламни операция қилиб олишган экан. Буни кейин билдим. Анчагача касалхонада ётдим. Кейин онамнинг уйида даволандим. Шу орада тўрт ой ҳам ўтиб кетди.

**- Болангизни ким қараётганди?**

- Қайнонам-да... Ахир ажрашмаган бўлсам... Сал тузалгач, қайнонамнинг уйига олиб боришди. Боламга ўзим қарай бошладим. Буни карангки эрим на келди, на қўнғироқ қилиб табриклади. Ҳатто, онасини ҳам унутгандек эди...

**- Ҳозир эрингиз келганми?**

- Йўқ, у ўзи билан ишлайдиган ёшгина бир аёл билан яшаётган экан. У аёлни танирдим. Дардим ичимда қолавердим.

**- Кейин нима бўлди?**

- Боламни қайнонамга ташлаб эримнинг ёнига бордим. Уни ўша аёл билан бир уйда яшаётганига ишонч ҳосил қилишим керак эди. Эрим билан учрашгим ҳам келмади. Ҳафсалам пир бўлиб, ундан умидимни узиб қайтдим. Буни карангки фарзанд кўрганда вақт топиб келмаган одам, судга келиб ажралиш учун ариза беришга вақт топибди. Ахир фарзандга зор одамлар қанча? У бўлса ўғлининг дийдорини ҳам кўргани йўқ. Мана, шунга ҳам уч йилдан ошди. Ўғлимни ўзим катта қилаяпман. Лекин ҳали у ёш, сал эси кирса отасини сўраши аниқ. Фарзандга зор, Тошкент шаҳрида яшайдиган, ўзининг уй-жойи бўлган, келишган, кўркам, 40 ёшгача бўлган эркак бўлса, оила қурган бўлардим.

* * *

**756**

- **Ёшим 61 да.** Қурбон отаман. Асли Тошкент вилоятиданман. Тўрт ўғил ва икки қизларим уйлик—жойлик бўлиб кетишган. Аёлим вафот этган. Мен катта ҳовлимизда тўртинчи ўғлим, келин ва уч нафар набираларим билан яшайман. Ҳар томонлама тўкис ва таъминланган оилалардан бири бўламиз, - дея гап бошлади хонага кирган навбатдаги отахон.

**- Уйланмоқчимисиз?**

- Шундай. Илоҳим ҳеч қайси эркак аёлидан сўнг бўзлаб қолмасин экан. Бу билан ўғлим ва келинни ёмонламоқчи эмасман. Келиним жуда пазанда, чаққон, орастагина. Кирларим йиғилиб қолмайди. Ҳамиша ювилган, дазмолланган. Болаларига бир қозон осса, кўнглимга қараб менга бошқа овқат пиширади. Унга қийин. Баъзан ўзим истиҳола қиламан.

Иссиқ жонмиз-да, бир-икки марта ётиб қолдим. Айни тунда оғзим қақраб, ташналикдан уйғониб етдим. Бир пиёла кўк чой ичгим келди. Лекин ёнимда ухлаб ётган, эрталаб эса ишга бориши керак бўлган ўғлимни уйғотишга кўзим қиймади. У автобус ҳайдайди. Йўлда юради-да.

Улар еган овқатларни ей десам, ошқозонимга ботмайди. Қаричилик-да, нимасини айтасиз? Қизларим ҳам, "Уйланмасангиз бўлмайди, ота. Ўзингиз топа қолинг. Балки биз топган аёллар сизга ёқмас...", - дейишди. Мана, келдим-да. 58 ёшгача бўлган, ораста, оқила бир аёл бўлса, ёлғизликдан қутулган бўлармидим?

* * *

**757**

- **Ёшим 37 да.** Асли вилоятдан бўлсам ҳам ҳозир Тошкент шаҳрида яшайман. Ажрашганман. Маълумотим олий. Нуфузли жойда ишлайман. Яхши оиланинг фарзандиман. Лекин бахт менга насиб этмади, - дея гап бошлади аёл хижолатомуз гап бошларкан.

**- Нега бундай бўлди?**

- Сал кечроқ турмушга чиққандим. Анча йилгача фарзанд кўрмадик. Кейин эрим опаларининг қутқуси билан мендан совиди. Мен бепуштликда ўзимни айблардим. Бироқ, ажрашиб бўлгач, орадан кўп ўтмай ҳомилам борлигини билиб қолдим. Афсуски, бу вақтда биз қонуний ажрашиб бўлгандик.

**- Бу ҳақда эрингизга айтдингизми?**

- Албатта, ҳатто олдига югуриб келдим. Эшикни тақиллатдим. Эрим эшикни очганида...Ичкарида ўтиришган талай аёлларни кўрдим. Эрим эшикни аста ёпиб нега келганлигимни сўради. Мен бола ҳақида айтдим. Унинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Кейин: "Оҳ, энди кеч бўлди. Жуда кеч... Мана, менга бугун бир аёлни олиб беришаяпти. Умид билан келган аёлни қайтариб юбора олмайман-ку. Энди тақдирга тан беришимиз керак", - деди.

Алам билан, изтироб билан йиғлаб-йиғлаб уйга қайтдим.

Мен 45 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, ўзининг уй-жойи бўлган, аёли вафот этган ёки бефарзанд бир эркак бўлса турмушга чиқиб, бахти бут аёлга айланмоқчиман...

* * *

***Тақдир-да, бирданига бахтсиз бўлиб қолиш мумкин. Лекин бу ҳаммаси тугади, дегани эмас. Бир куни келиб ҳаммангиз албатта бахтли бўласиз.***

***Азизлар! Юқоридаги қаҳрамонларимиз билан танишиб, оила қуришни истайдиганлар учун уларнинг манзиллари таҳририятда.***

**БАСИРА**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 18:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Оила, табриклар, эълонлар: 233-04-50
Бўлимлар: 233-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13671

Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ 1 2 3 4 5 7 8